

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТ**

«ИҚТИСОДИЁТ» КАФЕДРАСИ

**5230100- Иқтисодиёт таълим йўналиши IV курс 63-14 гуруҳ
талабаси**

ТУРСУНОВ ШЕРЗОДНИНГ

**МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА
ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ
(МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ МИСОЛИДА)
МАВЗУСИДАГИ
БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Ҳимоя учун қабул қилди:

“Иқтисодиёт”

кафедраси мудири и.ф.н.

доцент О.Сатторкулов

«__»_____ 2018 й.

Илмий раҳбар:

“Иқтисодиёт” кафедраси

ўқитувчиси Шоев О.Х.

“__”_____ 2018 й

Мундарижа

Кириш.....

I БОБ. ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИДАГИ РОЛИ

1.1. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг моҳияти ва ривожланиш сабаблари.....

1.2. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг асосий шакллари.....

1.3. Эркин иқтисодий ҳудудларни яратишда жаҳон тажрибалари.....

II БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. Мустақил Ўзбекистон республикасида эркин иқтисодий ҳудудларни
ривожлантириш асослари.....

2.2. Мамлакат иқтисодий самарадорлигини оширишда эркин иқтисодий
ҳудудлар фаолияти таҳлили.....

2.3. Эркин иқтисодий ҳудудларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Хулоса.....

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.....

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистон республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси” да миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали хом-ашё экспортидан тайёр маҳсулот экспортига ўтиш масаласи муҳим масала сифатида кун тартибига қўйилди. Президентимиз Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек: «Экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш ва валюта захираларини тежаш, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш зарур».¹ Иқтисодиётни эркинлаштириш, хорижий сармояларни жалб қилиш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш, хизмат кўрсатишни яхшилаш, жаҳон андозаларига мос, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш орқали жаҳон бозорига чиқиб бориш давр талабидир. Бу борада республикамизда бир талай самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хорижий инвестицияни жалб қилиш орқали хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни очиш ҳам бугунги кунда юқорида билдирилган фикрларни амалга оширишда муҳим ўрин тутувчи омил ҳисобланади. Жаҳон тажрибасидан маълумки чет эл инвестицияларни жалб қилишнинг энг самарали усулларида бири бу мамлакат ҳудудида эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ҳисобланади. Айнан эркин иқтисодий ҳудудлар жаҳон иқтисодиётида инвестицияларни жалб этишнинг ўзига ҳос қопқони ҳисобланади. Мамлакат иқтисодий смарадорлигини оширишда эркин иқтисодий ҳудудларнинг роли ва аҳамиятини тадқиқ қилиш мазкур битирув малакавий ишининг мавзуси ва мазмуни ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиётга сармоя киритиш самарадорлигини тадқиқ қилиш доимо иқтисодиёт фанининг диққат марказида бўлган. Сармоя киритиш хўжалик фаолиятининг фаоллашувига

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 2-сентябрдаги ПФ-5177-сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – №36 (796). – 945-модда.

ижобий таъсир кўрсатувчи омил бўлиб, у умумиқтисодий ўсишни таъминлайди.

Ҳозирги кунда фақат инвестиция ҳажмини ошириш орқалигина, юзага келган иқтисодий бухронни енгиш, технологик ўсишни таъминлаш, макро ва микро даражада хўжалик фаолиятининг сифат ва ҳажм кўрсаткичларини ошириш мумкин. Инвестицион жараёнларни инвестиция фаолиятни тадбиқ қилишни чуқурлаштириш лозим. Асосий муаммолардан яна бири бу инвестиция харажатларнинг самарадорлик манбаларини назарий жиҳатдан асослаш, сармоя киритиш ва иқтисодиётдаги фаоллаштириш иқтисодиётни қайта қуришда асосий ўрин тутди.

Жаҳон хўжалигида эркин иқтисодий ҳудудларнинг асосларини тадқиқ қилиш дастлаб ривожланган мамлакатларда бошланган бўлиб, хусусан хорижлик олимлардан Г.Хаберлер, Д.Салваторе, Ҳ.Сейидўғлу, иқтисодий интеграция назарияси Ж.Вайнер, Ж.Тинберген, Б.Балаша, Ж.Мед, Х.Жонсон, Р.Липсей, Э.Эртурк, Р.Карлук² кабиларнинг илмий ишларида ўрганилган бўлиб, улар томонидан амалга оширилган изланишларда эркин иқтисодий ҳудудларнинг вужудга келиши, босқичлари ва хусусиятлари, шарт-шароитлари, ривожланиши, миллий иқтисодиёт учун самараси ва услубий жиҳатлари асосланган. Бу олимларнинг асарларида эркин иқтисодий ҳудудлар ривожланишининг методологияси ва устувор йўналишлари ишлаб чиқилган.

Бозор муносабатларига ўтиш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида эркин иқтисодий ҳудудларнинг назарий жиҳатлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида Н.Н. Ливенцева, В.Н. Харламова, Е.В. Скурко, А.К.Матыцын, В.Г.Шемятенков, А.П.Киреев, Ю.Шишкин,

²; Salvatore D. International Economics. –London: Prentice - Hall, 2004. p. 840; Seyidog'lu H. Uluslararası iktisat. - Istanbul: Guzem, 2003. s. 820; Karluk R. Uluslararası ekonomik kuruluşlar ve entegrasyonlar. -Eskisehir: Anadolu universitesi, 1995. s. 422; Erturk E. Ekonomik entegrasyon teorisi. -Bursa: Ezgi kitapevi, 1993. s. 292.

Т.Лавровския, М.Максимова, В.Загашвили, А.Холопов, К.Семенов, А.Эльянов³ сингари иқтисодчилар томонидан тадқиқ қилинган.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш шароитида мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолиятини оширишда эркин иқтисодий ҳудудларнинг роли ва аҳамияти мамлакатимиз олимлари И.Искандеров, А.Ўлмасов, М.Шарифхўжаев, Р.Шодиев, А.Вахабов, А.Расулев, Н.Тўхлиев, А.Қодиров, А.Бедринцев, А.Алимов, Н.Сирожиддинов, Ш.Эрмаматов, Р.Долимов, Ҳ.Муратова, В.Абдуллаева, Ф.Ҳакимов, Н.Худайбергенов, Ш.Тўйчиева, Д.Каримова, Д.Каюмоваларнинг ишларида очиб берилган⁴. Бирок, бу тадқиқотларда масалага макроиқтисодиёт, минтақавий иқтисодиёт ва тармоқ иқтисодиёти нуқтаи назаридан ёндошилганлиги учун эркин иқтисодий ҳудудларнинг макроиқтисодий таъсирлари, минтақавий кўринишлари ва тармоқ йўналишлари кўриб чиқилган. Мазкур ишларда эркин иқтисодий ҳудудларнинг мазмуни, вужудга келиш, минтақавий жиҳатлари, омиллари ва тузилиши асосланган.

Шу жиҳатдан ташқи иқтисодий фаолият асосида, ҳамда минтақавий сиёсат доирасида иқтисодий ўсиш омиллари тадқиқ қилиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

3 Международная экономическая интеграция / Ливенцева Н.Н., Харламова В.Н. и др.; под. ред. Ливенцева Н.Н. – М.: Экономистъ, 2006. с. 430; Семенов К.А. Международная экономическая интеграция. – М.: Лагос, 2001. с. 128; Скурко Е.В. Глобальная и региональная торгово-экономическая интеграция: Эффективность правового регулирования. – М.: Юридический центр Пресс Год издания: 2004. с. 295; Матьцын А.К. Вертикальная интеграция: теория и практика. – М.: Новые Век Год издания, 2002. с. 368; Шемятенков В.Г. Европейская интеграция. – М.: Международная отношения, 2005. с. 354; Киреев А.П. Международная экономика. В 2-х ч. – Ч. II. – М.: Международная отношения, 1999. с. 488.

⁴Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Мехнат, 1995. – 463 – б; Искандеров И. Ўзбекистонда интеграция жараёнини кенгайтиришнинг иқтисодий асослари //Халқаро иқтисодий интеграциянинг қонуниятлари ва тенденциялари: тажриба ва муаммолар / ЎЗР ФА Иқтисодиёт Инститuti, Республика илмий - амалий конференция материаллари. – Т., 2007. –б. 24-34; Шодиев Р.Х., Махмудова Э.Р. Жаҳон иқтисодиёти. - Т.: Ғ.Ғулом, 2005. -312 б; Тўхлиев Н. Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –240 б; Вахабов А.В. и др. Мировая экономика. -Т.: Университет, 2007. с. 304; Расулев А.Ф. ва бошқалар. Ўзбекистон: ташқи иқтисодий фаолият ва жаҳон хўжалигига интеграциялашув. –Т.: Ўзбекистон, 1996 -66 б; Сиражидинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана: теоретико-методологические аспекты. - Т.: УМЭД, 2004. с. 224; Далимов Р.Т. и др. Международная экономическая интеграция. – Т.: Университет, 2004. с. 160; Эрматов Ш. Ж. Ўрта Осиё ва Қозоғистон ягона иқтисодий ҳудуди шаклланишининг хусусиятлари: Иқт... фан. ном. дис. –Т.: Макроиқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар институти, 1999. -137 б; Муратова Г.К. Ўзбекистан в региональных экономических интеграционных процессах: Иқт... фан. ном. дис. –Т.: ЎЗМУ, 2004. - 138 б.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ишнинг тадқиқот объекти сифатида миллий иқтисодиёт олинди. Такидлаш жоизки кейинги йилларда кўплаб минтақаларда ишлаб чиқариш даражаси ривожланиши пассив ва сезиларли даражада самарадорлиги пасайди. Бу эса нафақат республика балки минтақавий сиёсат доирасида иқтисодий ўсиш ва унга таъсир қилувчи омилларни тадқиқот объекти сифатида танланилишига асос бўлди.

Республика ва минтақалар иқтисодий ўсишини ривожланиш даражаси, унинг таракқиёти даражасини таҳлил қилиш ва бозор муносабатлари нуқтаи назардан баҳо бериш ушбу тадқиқот ишининг предмети белгилайди. Бу тадқиқотда диалектик алоқадорлик услуби ва солиштириш, статистика, анализ ва синтез усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишнинг мақсади-миллий иқтисодиёт иқтисодий ривожланиш самарадорлигини оширишда эркин иқтисодий ҳудудларнинг ўрни ва аҳамиятини тадқиқ қилиш ҳамда уларнинг ролини ошириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди ва ҳал этилди:

- эркин иқтисодий ҳудудларнинг моҳияти ва жаҳон иқтисодиётида тутган ўрнини ўрганиш;
- эркин иқтисодий ҳудудларни ривожлантириш бўйича жаҳон тажрибасини таҳлил қилиш;
- эркин иқтисодий ҳудудларнинг асосий шакллари ва уларнинг хусусиятларини ўрганиш;
- миллий иқтисодиётнинг иқтисодий ривожланишида эркин иқтисодий ҳудудларнинг аҳамиятини тадқиқ қилиш;
- миллий иқтисодиётда эркин иқтисодий ҳудудларнинг ролини ошириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

- миллий иқтисодиётларнинг инвестицион фаолликни оширишда эркин иқтисодий ҳудудларнинг аҳамияти ва роли бўйича таъриф берилган;
- мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалигига интеграциялашувида эркин иқтисодий ҳудудларнинг аҳамияти аниқланган;
- эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари илмий жиҳатдан тадқиқ қилинган;
- миллий иқтисодиётда эркин иқтисодий ҳудудлар ривожланишининг ҳозорги ҳолати таҳлил қилинган;
- эркин иқтисодий ҳудудларнинг мамлакат инвестицион жозибадорлигини ошириш ҳамда инвестицион оқимининг кенгайишдаги роли ва аҳамияти тадқиқ қилинган;
- миллий иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишда эркин иқтисодий ҳудудларнинг ҳудудий жиҳатдан ривожлантириш йўналишлари тадқиқи қилинган;

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий-таҳлилий хулоса ҳамда тавсияларидан минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот мавзусининг таркибий тузилиши. Иш кириш, икки боб, олтита параграф, хулоса ва тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган.

Биринчи боб - «Эркин иқтисодий ҳудудларнинг моҳияти ва жаҳон хўжалигидаги роли» деб номланган бўлиб, эркин иқтисодий ҳудудларнинг моҳияти ва ривожланиш сабаблари, эркин иқтисодий ҳудудларнинг асосий шакллари, эркин иқтисодий ҳудудларни яратишда жаҳон тажрибалари кўриб чиқилган.

Иккинчи боб - «Миллий иқтисодиёт самарадорлигини оширишда эркин иқтисодий ҳудудларнинг туган ўрни ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари» деб номланган бўлиб унда мустақил Ўзбекистон республикасида эркин иқтисодий ҳудудларни ривожлантириш асослари, мамлакат иқтисодий самарадорлигини оширишда эркин иқтисодий ҳудудлар фаолияти таҳлили ҳамда эркин иқтисодий ҳудудларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Тадқиқотнинг хулоса ва тавсиялар қисмида тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, муаллифнинг ушбу мавзу бўйича тавсия ва таклифлари келтирилган.

І БОБ.ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ХУДУДЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИДАГИ РОЛИ

1.1.Эркин иқтисодий худудларнинг моҳияти ва ривожланиш сабаблари

Эркин иқтисодий худуд хўжалик юритишнинг янги шакилларида бири бўлиб, халқаро майдонда 1950 – йилларнинг охири ва 60 – йилларнинг бошларида пайдо бўлган. 1970 - йилларнинг ўрталарига келиб эса жаҳон майдонида кенг оммалаша бошлади. Бундай худудлар дастлаб саноат ишлаб чиқариши ривожланган мамлакатлар ҳисобланган – АҚШ, Япония, Германия ва Буюк Британияда кейинчалик эса Польша, Венгрия, Болгария каби мамлакатларда ташкил этилди. Жаҳон тажрибасидан маълумки эркин иқтисодий худудлар даставвал дарё ва денгиз портларида, халқаро аэропортларда, темир ва автомобил йўлларига яқин жойларда, сайёҳлик ва алоҳида олинган саноат марказларида ташкил этилган. Чунки тоавр моддий бойликларни чет эл бозорларига олиб чиқишда ва чет эл инвестицияларини иқтисодиётга жалб этишда эркин иқтисодий худудларнинг роли муҳим аҳамият касб этади. Халқнинг фаровонлиги, хаётнинг кўркамлашиб бориши, кўп жихатдан шу мамлакат эркин иқтисодий худудларининг ташкил этилиши ва муваффақиятли фаолият кўрсатиши билан боғлиқдир. Чунки бундай ҳолатларни иқтисодиёти ривожланган ва эркин иқтисодий худудлар ташкил этган мамлакатлар фаолиятида кўплаб кузатиш мумкин. Нега – ки қайси мамлакатда чет эл инвесторлари ва тадбиркорлар фаолияти учун кенг имтиёзлар яратилса, уларнинг ўзларини тиклаб олишлари учун амалий ёрдам берилса ва имкониятлар яратилса – инвестиция миқдори ҳам, тадбиркорликнинг ишчанлик қобилияти ҳам ўша ерда юқори бўлади.

Эркин иқтисодий худуд ҳақида тушунча биринчи марта 1973 йил 18 майдаги Киото конвенциясида берилган. Унга кўра эркин иқтисодий худуд деб – мамлакатнинг бир қисмини яъни товарлар импорти ва экспортини,

божхона ва солиқ чекловларисиз олиб кириш мумкин бўлган ҳудудга айтилади

XX аср иккинчи ярмида «эркин (махсус) иқтисодий ҳудудлар» жаҳон хўжалигининг сезиларли ҳолатига айланди. Эркин иқтисодий ҳудудлар дунёнинг кўплаб давлатларида кенг ёйилди. 90-йилларнинг ўрталарида дунёда турли хилдаги 4 мингдан ортиқ ЭИХ мавжуд эди. гарб мутахассиларининг фикрича 2000 йилга келиб жаҳон товар айланмасининг 30%и турли эркин иқтисодий ҳудудларда руй беради. Ҳалқаро корпорациялар ўз фаолиятлари учун имтиёзли шароитларни кидириб, ЭИХларни кўп фойда олиш мумкин бўлган жой сифатида куришади. Йирик ҳалқаро корпорациялар эркин иқтисодий ҳудудларда ўз ишлаб чиқаришларини ташқил қилишни экспансияларининг муҳим йуналиши деб ҳисоблайдилар. Эркин иқтисодий ҳудудлар мамлакатнинг бошқа қисмларида ишлатилмайдиган имтиёз ва рағбатларнинг ўзига хос тизими кулланиладиган миллий иқтисодий ҳудуднинг бир қисмидир. Одатда ЭИХ жугрофий жихатдан у ёки бу даражада алоҳида ҳудуддир. Илмий мақолалар ва ҳалқаро ташқилотларнинг маърузаларида турли хилдаги ҳудудларни «Эркин иқтисодий ҳудудлар» деб атайдилар. Аммо бу термин ушбу ҳолатнинг моҳиятини тулик очиб бермайди. Масалан, уларнинг кўпчилигида иқтисодий қоидалар, махсус маъмурий қонунлар маълум Ҳуқуқий ва хўжалик режимидан озод қилмайди. У фақат тадбиркорликни рағбатлантирувчи имтиёзлар беради ва уни енгиллаштиради. Амалда давлат фақат иқтисодий жараёнларга аралашишини камайтиради. Кўплаб ривожланаётган давлатлар учун эркин ҳудудлар ҳудудда ишловчиларнинг ҳаёт даражаси, ишлаб чиқариш салоҳиятининг жамланиши, давлат ҳудудидан «ташқарида» эканлиги маъносида «махсус» ҳудудлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу ҳудудларни «махсус иқтисодий ҳудудлар» дейиш тўғрироқ бўлади. Эркин иқтисодий ҳудудлар нима учун ташқил қилинади? Нега улар жаҳонда кенг тарқалган? Эркин иқтисодий ҳудудлар уларни ташқил қилувчилар томонидан

очиқ иқтисодиёт тамойилларини амалга оширишдаги муҳим босқич сифатида курилади. Уларнинг фаолият кўрсатиши ташқи иқтисодий фаолиятни фаоллаштириш ва эркинлаштириш билан боғланади. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг иқтисодиётининг ташқи дунёга очиқлиги катта даражада бўлади. Божхона, солиқ ва инвестицион режими эса ташқи ва ички инвестициялар учун кулайдир. Амалда эркин иқтисодий ҳудудлар жаҳон капитал хўжалиги микёсида миграция қилиб юрган капитал учун копкон ҳисобланади. Мамлакат ичидаги иқтисодий жараёнларни фаоллаштиришда фойдаланиш учун хорижий капитални жалб қилишдан ташқари саноат эркин иқтисодий ҳудудларнинг яна учта вазифаси кўрсатилади: -саноат экспортини рағбатлантириш ва шу орқали валюта маблағларини жалб қилиш; -бандлик даражасини ошириш; -ҳудудларни хўжалик юритишнинг янги усулларини синаш майдониغا, миллий хўжалик ривожланишининг кутбига айлантириш; Эркин иқтисодий ҳудудлар ташқил қилишнинг муҳим сабабларидан бири шундаки, кўпинча давлат иқтисодиётини капитал оқими учун тўлиқ очишни, ўзига хос инвестиция оқимини ҳамма жойда ишлатишни истамайди. Шунинг учун ҳам махсус ҳудуд сифатида қисман очиқликни ишлатади. Эркин иқтисодий ҳудудлар ташқил қилиш ва улар фаолиятининг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, жаҳон бозори билан интеграцияни чуқурлаштириш, ҳалқаро иқтисодий алоқаларни рағбатлантириш мақсадида тўзилган ҳудудлар (эркин савдо ҳудуди, экспорт ишлаб чиқарилиши, божхона ва бошқа ҳудудлар) билан бирга маълум бир фаолият шакли ва ишлаб чиқариш соҳасини рағбатлантириш учун ташқил қилинган алоҳида режимли махсус зоналар ҳам мавжуд бўлади. Масалан, қолок туманларни ривожлантиришни, қолик туманларни саноатлаштиришни рағбатлантирувчи махсус ҳудуд. Шунинг учун эркин иқтисодий ҳудудлар ташқил қилишнинг сабаблари ва мақсадлари ҳар бир ҳолатда ўзгача бўлиб, бир-бирига ухшамаслиги мумкин. Масалан, АҚШ, Буюк Британия каби саноати ривожланган давлатларда эркин иқтисодий ҳудудлар депрессияга учраган

туманларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга йуналтирилган минтақавий сиёсатни амалга ошириш учун ташқил қилинган. Бу мақсадда тадбиркорларга (кичик ва ўрта) мамлакатнинг бошқа туманларидагига нисбатан кўпроқ фаолият эркинлиги ва сезиларли молиявий имтиёзлар бериларди. Бу дастурлар хорижий капитал жалб қилишга қаратилмаган. Худди шу мақсадда ривожланаётган давлатларда ҳам эркин иқтисодий худудлар ташқил қилинади. Бу эса қолок туманларни динамик равишда ривожланаётган туманларга айлантириш имкониятини беради. Аммо саноати ривожланган давлатлардан фарқли равишда бу мамлакатларда кўпроқ хорижий капитални жалб қилишга ҳаракат қилинади. Эркин иқтисодий худудларнинг ташқилий, Ҳуқуқий тизими турли-тумандир. Айрим ҳолларда у ёки бу эркин иқтисодий худудни аниқ классификациялаш қийин, чунки улар кўплаб худудларнинг хусусиятларига эга. Россиялик мутахассислар томонидан хўжалик ихтисолашуви - худудда фаолият кўрсатаётган асосий кўпчилик фирмаларнинг ихтисослашуви буйича классификация ишлаб чиқишган. Эркин иқтисодий худудлар классификациясидаги марказий урин саноат қайта ишлаш худудларига берилган. Эркин иқтисодий худудлар ташқил қилишда иккита концептуал ёндошиш қулланилади: худудий ва функционал (нуктали). Биринчи ҳолатда худуддаги барча резидент корхоналар хўжалик фаолиятида имтиёзлардан фойдаланадилар. Иккинчи ёндашиш буйича фирма мамлакатнинг қайси туманида жойлашишидан қатъий назар тадбиркорлик фаолиятининг маълум қуринишлари учун қулланиладиган имтиёзли режимдан фойдаланиши мумкин.

1.2. Эркин иқтисодий худудларнинг асосий шакллари

Умуман олганда эркин иқтисодий худудларнинг 30 га яқин тури бўлади. Улардан кенг тарқалганлари: эркин савдо худудлар, эркин божхона, эркин ишлаб чиқариш, эркин илмий – техник худудлардир. Буларнинг ҳар бири

эркин иқтисодий ҳудуд тоифасига киргани билан ўз функциясига кўра бир биридан фарқ қилади.⁵

Эркин иқтисодий ҳудудлари – консигнация (яъни товарларни сотиш учун бериш) омборларини, эркин божхона зоналарини, шунингдек товарларга ишлов бериш, уларни ўраш – жойлаш, саралаш, сақлаш ҳудудларини ўз ичига олади.

Эркин божхона ҳудудлари – чет элда ишлаб чиқарилган ва мамлакатга кириб келаётган маҳсулотларни имтиёзли тўлов асосида сақлаш, маркалар ва сортларга ажратиш, ишлов бериш, агар керак бўлиб қолган ҳолда комплектлаштириш ва сотиш каби вазифаларни бажаради. Бундай эркин божхона ҳудудлари дарё ва денгиз портларида, чегарадош темир йўл тармоқларида ва аэропортларда чет эл валютасида даромад олиш мақсадида ташкил этилади.

Эркин савдо ҳудудлари АҚШда кўплаб ташкил этилган бўлиб, улар ташқи савдо зоналари (Foreign Trade Zones) деб номланади. Бугунги кунда АҚШда 200 га яқин зона ва субзоналар фаолият кўрсатмоқда. Бу ҳудудларнинг фаолиятини назорат қилиш ташқи савдо зоналари Департаментига юклатилган бўлиб, тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Департамент томонидан зона очилиши учун рухсат берилгандан сўнг унинг фаолият кўрсатгунига қадар 6 ойдан – 3 йилгача вақт керак бўлади.

1.1 – Жадвал

Халқаро майдонда ташкил этилган эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритаётган корхоналар сони динамикаси

№	Мамлакат-нинг номи	Қайд этилган корхоналар сони	Сўнги уч йил мобайнидаги ўсиши % ҳисобида	Корхоналар сони	Сўнги уч йил мобайнидаги ўсиши % ҳисобида
1	Британ – Виргин орллари	43000	48.2	208000	100

⁵ Колесов В.П., Кулаков М.В. Международная экономика: Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2008. - 474 с.

2	Ирландия	16000	14.3	150000	36.4
3	Панама	15201	1.7	337004	20
4	Багама ороллари	12000	33.3	50000	127.3
5	Мэн ороллари	5776	16.3	38536	20.5
6	Кипр	4400	89.9	26900	136.9
7	Люксембург	3600	1.8	55000	17.5
8	Кайманово ороллари	3565	14.7	38716	39.6
9	Гибралтар	3260	6.8	59600	17.3
10	Лжерси	3100	1.3	30500	8.2
11	Теркс ва Кайкос	3000	56.6	15000	36.4
12	Нидерландия – Антиль ороллари	2200	10.0	22500	18.4
13	Маврикий	1550	219.6	4550	574.1
14	Гернси	1148	6.5	14550	3.8
15	Белиз	1430	104.3	4810	270.0
16	Барбадос	1293	546.5	12804	1064.0
17	Антигуа	1000	33.3	5500	120.0
18	Бермуд	988	28.6	8659	19.1
19	Мадейра	600	50.0	2210	84.2
20	Гонконг	570	26.7	4429	34.2

Эркин ишлаб - чиқариш зоналари мақсадли социал – иқтисодий дастур бўлиб, янги ишлаб чиқариш муносабатлари асосида алоҳида территорияда тадбиркорликни рағбатлантириш, иқтисодиётнинг устивор тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб этиш, истиқболли технологияларни эркин рақобат, маъмурий – иқтисодий мустақиллик ва ўзини – ўзи маблағ билан таъминлаш тамойиллари асосида жорий этилишидир. Бу мақсад учун ижара, кооператив, кўшма ва чет эл корхоналарини қуриш ва уларни эксплуатация қилиш эвазига эришилади.

Шуни қайд этиш лозимки, халқаро майдонда эркин экспорт ишлаб чиқариш ҳудудлари ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Фикримизнинг далили сифатида айтиб ўтишни истардикки Ирландиядаги “Шенон” аэропорти эркин экспорт – ишлаб чиқариш ҳудудларининг типик вакили ҳисобланиб, бу аэропортнинг ўзига хос хусусиятлари яъни туристларнинг кўплиги ва жуда кўплаб мамлакатларнинг хаво йўллари кесишганлиги, бошқа кўплаб қулай имкониятлари учун бу ерда сотувга

қўйишнан чет эл фирмаларининг товарлари фирма эгаларига кўп фойда келтиради.

Эркин ишлаб чиқариш зоналарида ишлаб чиқарувчиларга баҳоларни эркин рақобат ва бозордаги талаб – таклиф асосида белгилаш, шерикни танлаш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сони ва турларини белгилаш, ишчиларни ишга қабул қилиш ва бўшатиш масалаларини хал этиш ва уларга тўланадиган иш хақи миқдорини миллий ва чет эл валютасида белгилаш ҳуқуқи берилди. Бундан ташқари эркин иқтисодий ҳудудларда ташкил этилган ишлаб чиқариш муносабатларига мос келувчи – молия ва ҳисоб олийгоҳлари тизими ҳам ташкил этилади. Бу тизим таркибига миллий ва чет эл валюталарида операциялар олиб борувчи давлат ва тижорат инвестиция банклари, тижорат – хўжалик судлари, валюта ва фонд биржалари киради.

Эркин илмий – техник ҳудудлар, илмий ишлаб чиқариш ва ўқув марказлари жамланган ҳозирги кунда ишлаётган ва ривожланган инфраструктурага, чет эл илмий – техникавий ва технологиясига, ишлаб чиқариш ва молиявий жихатдан потенциалга эга бўлган ва махсус ҳуқуқий тартибот ўрнатиладиган алоҳида ажратилган ҳудудлардан иборат бўлади.

Эркин илмий техник зоналар юксак технополислар, технопарклар, минтақавий иновация марказлари – технополислар ишлайдиган зоналар шаклида ташкил этилади. Бундай ҳудудларни ташкил этишда мақсад фан ва техника ривожланишида муҳим йўналишларни олиб бориш ва уни халқаро майдондаги нуфузини оширишдан иборатдир.

Эркин илмий техник ҳудудлар ташқи иқтисодий масалаларни хал этиш билан бир қаторда мамлакатнинг ички умумий хўжалик масалаларини ечишга ҳам қаратилган бўлиши лозим. Бундай ҳолатда бу зоналарда илмий тадқиқотларни амалга оширувчи ва атроф муҳитга зиён – захмат етказмайдиган ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ишлаб чиқариш ресурсларини ўзлаштириш учун юқори имкониятлар мавжуд бўлади.

Эркин иқтисодий ҳудудлар ўзларининг божхона ҳудудига эга бўлиб, бу ҳудуд территориясига кириб – чиқиш ўрнатилган тартибга амалга оширилади. Эркин иқтисодий ҳудудлар географик жиҳатдан жойлашишига қараб, “ташқи” яъни икки ёки бир неча мамлакат ҳудудида жойлашган – халқаро ва бир мамлакат ҳудудида жойлашган “ички” эркин иқтисодий ҳудудларга бўлинади.

Шу билан бирга эркин иқтисодий ҳудудлар халқаро майдонда хўжалик ихтисослиги ва ташкил этиш турларига қараб ҳам класификация қилинади. Бу классификация асосида эркин иқтисодий ҳудудлар хўжалик ихтисослиги бўйича:

1. Эркин савдо ҳудуди.
2. Саноат ва ишлаб чиқариш зонаси.
3. Техник ва технологияни жорий этиш ҳудудлари.
4. Хизмат кўрсатиш зоналари.
5. Комплекс зоналар.

Ташкил этиш турларига қараб эса:

1. Ҳудудий зоналар.
2. Махсус тартибот зоналарига бўлинади.

Эркин иқтисодий оффшор ҳудудлари деб махсус солиқ тизими ўрнатилган ҳудудга айтилади ёки бу ҳудудни чет эл инвестицияси учун солиқ имтиёзлари қўлланиладиган ҳудуд деб ҳам аташ мумкин. Маълумки халқаро ҳамжамиятдаги давлатларда солиқ тизими бир – биридан анчагина фарк қилади. Масалан: Швецияда компания фойдасининг 63 фоизи солиққа тортилса, АҚШнинг Делавар штатида эса бу салмоқ олинандиган фойда миқдоридан қатий назар 400 АҚШ долларини ташкил этади.

Шунинг учун ҳар қандай компания рўйхатга олиниш даврида солиққа тортилиш шароитларига қараб 2 турга:

1. Оддий компаниялар.
2. Оффшор компанияларга бўлинади.

Оффшор компаниялар орасидаги фарқлар

Компаниялар Статуси	Хўжалик фаолияти	Муассислар	Даромад мнбалари	Солиқ ставкалари
Оддий	мамлакат худудида ва ташқи иқтисодий алоқаларида иштиро этиши мумкин	фуқаролиги бўлган ва чет эллик фуқаролар	мамлакат худудида ва чет элларда ҳам бўлиши мумкин	солиқ кодексида белгиланган тартибда
оффшор	президентлар шуғулланиши мумкин бўлган хўжалик фаолияти билан	мамлакат ташқарисида асосий филиал рўйхатдан ўтган мамлакат-да	мамлакатда ташқарисида чунки оффшор компаниялари учун маҳаллий ресурслар (табiiй, молиявий) дан фойдаланиш тақиқланади	имтиёзли солиқ ставкалари ёки фисацияланган тўловлар

Манба: Международная экономика. Киреев А. Москва. 1999.

Биринчи оффшор худудлар 1960 йилларда ташкил этилган бўлиб, бунинг асосий сабаби мустақилликка эришган мамлакатлар чет эл инвестицияларини жалб этиш учун солиқ имтиёзларини жорий эта бошлади. АҚШ ва бошқа мамлакатлардаги қаттақ банк назоратидан азият чеккан йирик корпорациялар бу худудларда ўзларининг филиалларини ташкил этишга киришдилар. Бу билан оффшор тадбиркорларнинг структураси ҳам ривожлана бошлади.⁶

Оффшор тадбиркорлиги ўзининг хусусиятлари жихатдан бир қанча турга:

⁶ Колесов В.П., Кулаков М.В. Международная экономика: Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2008. - 474 с.

1. Банк – оффшор марказлари.
2. Савдо – оффшор компаниялари.
3. Суғурта – оффшор кэптик.
4. Инвестиция – оффшор компаниялари.
5. Туристтик – рекреацион хуудларга бўлинади.

Бундай компаниялар бир қанча имтиёзларга эга бўлиб, улар биринчидан: - солиқ ставкаларининг минимал миқдори; иккинчидан: - маъмурий назоратнинг юмшоқлиги ва ҳисобларни топшириш муддатларининг узоклиги; учинчидан: - оффшор компаниялар фаолиятининг конфеденциаллиги ёки сир сақлаш муҳимлиги бўлиб ҳисобланади.

Хозирги кунда халқаро ҳамжамиятда катта мавкега эга бўлган оффшор зоналари бўлиб: Мальта ороллари, Мэн ороллари, Британ – Виргин ороллари, мингта банка эга Науру ороллари, Гонконг, Кипр, Багама ороллари, Бермуд ороллари, Сингапур давлати, Лихтенштейн, Люксембург, Швецария, Панама, Гибралтар Бўғози мамлакатлари ҳисобланади.

Юқоридаги мамлакатлар иқтисодиёти тахлили ва уларда ташкил этилган эркин иқтисодий хуудлар ривожланиш динамикасидан кўриниб турибдики, бу мамлакатлардаги макро ва микро иқтисодий кўрсаткичларга эркин иқтисодий хуудлар катта тасир ўтказди.

1.3.Эркин иқтисодий хуудларни яратишда жаҳон тажрибалари

Хозирги кунда дунёда 400 тадан 2000 тагача эркин иқтисодий хууд мавжуд деб ҳисобланади. Биринчи эркин иқтисодий хуудлар АҚШда 1934 йили эркин савдо хууди кўринишида ташкил этилган. Уларнинг асосий йўналиши ташқисавдони фаоллаштириш бўлган. Бунга эса божхона божларининг пасайтирилиши ва эркинлаштирилиши сабаб бўлган. Бу хуудларнинг энг қизиқарли жойи шундаки, импорт қилинга ярим тайёр махсулотлар – агар тайёр махсулот сифатида экспорт қилинса божхона тозалашларидан ўтмаган ва агар импорт қилинган ярим тайёр махсулотлар –

тайёр бўлганидан кейин АҚШбозорига кирса тўла божхона тўловларига ва тозоловларига тортилган.

Буюк Британия кўшма қироллиги – худудида ташкил этилган компаниялар фаолияти ва солиқ тизими халқаро майдонда такомиллашган системалардан бири бўлиб, бу қонун қоидалар айниқса оффшор зоналарнинг роивожланиши учун муҳим аҳамият касб этади. Бу қонун 1965 йилда Молиявий қонун (Finance act) асосида қабул қилинган бўлиб, Буюк Британия иқтисодиётида фаолият кўрсатувчи барча компаниялар учун амал қилади. Бу солиқ туридан фақатгина нокорпоратив корхоналар, “ўртоқчилик” компаниялари ва маҳаллий хокимиятгинаозод этилган. Солиқ солиш базаси бўлиб компания фойдаси ҳисобланади. Бу тизимнинг ўзига хослиги солиқ ставкаси даромад солиғи тамойиллари асосида фойда ортиши билан солиқ ставкаси ҳам ортиб боради. Бу қонунга 1972 йилда ўзгартириш киритилиб 1973 йил 1 январидан бошлаб амал қила бошлаган ва “солиқ системасининг классик” тури деб номланган янги тури ҳисоблашнинг шартли системаси асосида юритилади.

Белиз мамлакатининг жанубий қисми ҳисобланмиш Корсол районида 1994 йилда эркин савдо зонаси ташкил этилди. Мазкур савдо зонасининг асосий мақсади қуйдагилардан иборат бўлиб ҳисобланади:

биринчидан: чет эллик дипломатларга улгуржи ва чакана савдо хизматларини ташкил этиш;

иккинчидан: чет элга сафарга кетаётган ссудноларга товарларни сотиш ёки айрибошлаш;

учинчидан: божхона хизматларининг назорати асосида товарларни сувда, қуруқликда ва хаво линиялари орқали экспорт қилишни ташкил этиш;

тўртинчидан: улгуржи товарларни божхона хизматларининг худудида сақлаб бериш ва олиб киришни амалга ошириш;

бешинчидан: товар маҳсулотларини бир тадбиркордан олиб иккинчи тадбиркорга сотиш яъни воситачилик функцияларини бажариш.

Шу билан бирга мазкур ташқи савдо худудида чет эл валютасини олиб кириш ва олиб чиқиш қаттиқ назорат қилинмайди, чет эл ишлатганлиги учун ҳеч қандай солиқ олинмайди. Мазкур иқтисодий зонадаги тадбиркор, шу ерда жойлашган банкларнинг бирида, ҳар қандай давлатнинг пул бирлигидан қатъий назар ҳисоб – рақамини очиши мумкин. Ташқи савдо худудига олиб кирилган товар моддий бойликларидан солиқ ёки божхона тўловлари олинмайди, янги ташкил этилган корхоналар ёки фирмалар 5 йил мобайнида солиқдан озод этилади, бу муддат давлат томонидан 10 йилга узайтирилиши мумкин. Экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар учун эса солиқдан озод қилиш муддати 25 йилга ҳам узайтирилиши мумкин.

Мамлакатимизнинг комплекс ривожланишини таъминлаш ва инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш бўйича, энг аввало, мамлакат ва унинг ҳудудлари салоҳиятини ўрганиш, уларни баҳолаш, таъсир кўрсатадиган омилларни таснифлаш, ўзаро боғлиқлик касб этган жиҳатларни чуқур таҳлили қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Бунинг учун эса, ривожланган мамлакатларда қўлланган ва юқори натижалар келтирган тажрибаларни таҳлил этиш, муваффақиятга олиб келган усул ва услублар, омилларни Ўзбекистон ва унинг ҳудудлари миқёсида татбиқ этиш муҳимдир.

Жаҳонда хорижий капитални жалб этиш бўйича мамлакатлараро кескин кураш кетмоқда. Хорижий инвестициялар ҳажми, сифати ва қулай шартлардан фойдаланиш борасида ривожланган мамлакатларда йилдан-йилга инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган инновацион инструментларнинг турли кўринишлари яратиб келинмоқда.

Шулар қаторида, иқтисодий ривожланиши бошқа давлатларга караганда тез суръатларда ўсиб бораётган, товар ва хизматлари дунёнинг барча ўлкаларида тарқалган, бугунги кунда учта энг кўп тарқалган сўз «Made in China» дея эътироф этилаётган Хитой тажрибасини кўриб чиқамиз.

Хитой тажрибаси. Хитойда давлат томонидан инвестициялар соҳасида амалга оширилган ислохотлар, қабул қилинган тизимли чора-тадбирлар, ишлаб чиқилган дастур ва лойиҳалар туфайли халқаро бозорларни забт этишга муваффақ бўлинди. Мазкур давлат 1970 йилдаёқ мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини оширишни давлат сиёсати даражасидаги энг муҳим вазифалардан бири сифатида кўтарган эди. Биринчилардан бўлиб “махсус иқтисодий зоналар”ни ташкил этиш бўйича қарорлар қабул қилди ва уларнинг ривожланиши учун барча шароитларни муҳайё этди. Гуандонг ва Фуян махсус иқтисодий зоналарида либерал солиқ тизими жорий этилди, турли хилдаги маъмурий тўсиқлар бартараф этилди ҳамда бизнесни очиш, уни юритиш бўйича бир қатор таомиллар соддалаштирилди. Ушбу зоналарнинг ривожланишига Гонконг ва Тайван давлатларидан киритилган инвестициялар қўл келди. 20-асрнинг охирларида ушбу зоналарга киритилган инвестициялар ҳажми жами хорижий инвестицияларнинг 50 фоизини ташкил этган. Шунингдек, Хитой раҳбарияти томонидан ривожланишнинг истиқболли йўналишлари сифатида енгил саноат ва электроника соҳалари танлаб олинди. Уларнинг тўлақонли ривожланиши, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва зарур ресурсларни харид қилиш учун давлат томонидан субсидиялар тизими ва “экспорт учун тармоқ” дастури ишлаб чиқилди. Агар компанияларнинг 25 фоизи хорижий инвесторларга тегишли ҳамда “тармоқ”қа аъзо бўлса, Хитой Марказий банки томонидан махсус имтиёзли кредитлар берилиши йўлга қўйилди. Бугунги кунда мазкур “тармоқ”қа аъзо бўлиб кирган компаниялар жами экспортнинг 80 фоизини ишлаб чиқармоқда. Шу билан бирга, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш корхоналарига зарур бўладиган ва четдан олиб кириладиган импорт ресурсларига божхона имтиёзлари ҳам тақдим этилди.

Хитойнинг тез суръатларда ривожланишига таъсир кўрсатган яна бир муҳим омил – инвесторлар учун зарур бўладиган, ҳудудларнинг имконият ва салоҳиятини намоён этадиган маълумотлар базаси (паспорти) ишлаб

чиқилгани ва арзон ишчи кучига эгаллиги билан белгиланади. Ушбу база интернет-ресурс сифатида очиб қўйилгани, Хитой корхоналари учун хорижий инвестицияларнинг оқиб келишини ва бизнес соҳасида ҳамкорликнинг кучайишини таъминлади. Бугунги кунда Хитойнинг жаҳон иқтисодиётидаги мавқеини ҳамда иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсишини таъминлашга хизмат қилган омил ҳам айнан унинг очиклиги, соғлом имиджи ва инвестицион жозибадорлигидир.

Сингапур тажрибаси. Ривожланиш даражаси бўйича юқори кўрсаткичларни намоён этган, ўзининг бой тажрибаси ва интеллектуал салоҳиятининг юксаклиги бўйича дунё мамлакатлари ичида юқори ўринларда турадиган, аҳолиси сони унчалик ҳам катта бўлмаган, аммо компьютер дастурларини яратиш, телекоммуникация соҳасида салмоқли нуфузга эга бўлган, Жаҳон банки томонидан эълон қилинган ҳисоботларда жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариш бўйича (харид қуввати паритети бўйича) 3-ўринда турган, “Осиё йўлбарслари”, деб ном олганлардан бири бўлмиш Сингапур давлатида ҳам инвестицион муҳитни яхшилаш, унинг жозибадорлигини ошириш юзасидан бой тажриба тўпланган.

1959-1990 йилларда Ли Куан Ю бошчилигида Сингапурда мамлакатни модернизация қилиш борасида катта ислохотлар амалга оширилди. Бунинг натижасида Сингапур Жануби-Шарқий Осиёда техноген цивилизация ясаган ва дунёнинг молиявий ва савдо марказига айланган давлат сифатида танилди. Шунинг учун ҳам ушбу мўъжаз давлатнинг иқтисодий юксалиши сабаблари нималардан иборат эканини билишга қизиқувчилар сони ортиб бормоқда. Биз ҳам баъзи бир таҳлилларни ўртоқлашишни лозим топамиз. Тадқиқотимиздан у ерда яратилган инвестицион муҳит ва уни такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ташкилий ҳамда ҳуқуқий-маъмурий ислохотларнинг қисқача мазмуни ва улар юзасидан айрим мулоҳаза ва хулосаларимиз ўрин олган.

Сингапур давлатининг ривожланиш йўли, қўлга киритган “иқтисодий мўъжизаси” билан шуғулланган барча олимларнинг фикри бир муҳим нуқтага бориб тақалади. У ҳам бўлса, Сингапурда қулай инвестиция муҳитининг яратилганидир. Айнан шу ҳолат туфайли инвесторлар томонидан бу янги давлатга кўплаб лойиҳалар киритиш амалга ошди, ЯИМ ҳажми йилдан-йилга кескин ортиб борди. Бугунги кунда ҳам инвесторлар томонидан Сингапур давлатига ҳеч иккиланмасдан капитал маблағлар йўналтириб келинмоқда. У ердаги инвестицион муҳит жозибадорлиги донор мамлакатларнинг доимий қизиқишига сабаб бўлмоқда.

Инвестицион муҳитнинг соғломлиги, жозибадорлигини давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати акс этадиган макроиқтисодий кўрсаткичлар орқали ҳам баҳолаш мумкин.

Жаҳон банкининг классификациясига кўра, Сингапур давлати энг юқори даромадга эга бўлган давлатлар қаторига киради. Жон бошига тўғри келадиган даромад бўйича Сингапур жаҳонда учинчи ўринда туради. Шунингдек, инвестицион иқлимга таъсир кўрсатадиган яна битта муҳим кўрсаткич – инфляция даражасидир. Инфляция даражаси қанчалик паст бўлса, инвестицион жозибадорлик ҳам шунчалик даражада юқори бўлади. 2005 йилда Сингапурда инфляция даражаси 0,5 фоизни, 2014 йилга келиб эса 1,5 фоизни ташкил этган.

Давлатнинг ташқи савдодаги иштироки ва ўрни ҳам унинг иқтисодий ривожланиш даражасини белгилайди. Сингапур давлати табиий ресурсларга бой бўлмаса-да, ўз эҳтиёжини уларни импорт қилиш орқали қондиради. Ишлаб чиқарган товар ва хизматларининг қарийб 50 фоизини дунё бозорига экспорт қилади. Бу эса, ўз навбатида, валюта тушумларининг ошишини таъминлайди. Географик жойлашувига кўра, Сингапур Жануби-Шарқий Осиёда юқори нуфузга эга бўлган савдо ҳамкори ҳисобланади.

Сингапур жаҳон рейтингда импорт ва экспорт операцияларини амалга ошириш бўйича кучли 20 та давлат қаторига киришга улгурган. 2014 йилда

халқаро савдо айланмаси 982701,9 миллион АҚШ долларини, шундан экспорт ҳажми – 518922,7; импорт ҳажми – 463779,1 миллион АҚШ долларини, ижобий сальдо – 55143,6 миллион долларни ташкил этган.

Экспорт таркибида энг катта улушни машина ва транспорт жиҳозлари ташкил этади (46,3 фоиз). Экспортнинг асосий истеъмолчилари Хитой (12 фоиз), Малайзия (12 фоиз), Гонконг (11 фоиз) ва Индонезия (10 фоиз) давлатлари ҳисобланади.

Халқаро савдони амалга ошириш, экспорт ва импорт операцияларининг ҳажми, бу борада давлатнинг иштирокини таҳлил қилиш ва баҳолаш бўйича Жаҳон иқтисодий форумининг тавсиясига кўра, давлатнинг халқаро савдодаги иштироки ва алоқадорлигини аниқлайдиган индекс (The Global Enabling Trade Index) бўйича ҳар йили жаҳон рейтинги кўрсаткичлари эълон қилинади. Ушбу индекс орқали давлатларнинг халқаро савдони амалга ошириш борасида яратиб берган шароити, олиб бораётган иқтисодий сиёсати, товар ва хизматларни нест-нобудсиз истеъмолчиларга етказиб бериш ва божхона имтиёзлари даражасига баҳо бериш мумкин.

Ташқи савдони амалга оширишда Сингапур ўзига хос алоҳида ўрин тутди. “Халқаро савдода давлатнинг иштироки индекси” (The Global Enabling Trade Index) бўйича Сингапур 2014, 2015 йилларда рейтингда биринчи ўринни эгаллаган. Ушбу индекс тўртта асосий кўрсаткичлардан, яъни: ички бозорга кириш учун имконият; чегарада (божхона) амалга оширилаётган маъмурий бошқарув; ишбилармонлик муҳити; транспорт коммуникациясининг ҳолатларидан таркиб топган.

Ишбилармонлик муҳитининг юқори эканига Сингапурнинг жаҳон капитал бозоридаги иштироки орқали ҳам баҳо бериш мумкин. Сингапур Жануби-Шарқий Осиёда тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни қабул қилувчи асосий давлатлардан бири ҳисобланади (49 фоиз). 2013 йилда кириб келган бундай инвестициялар ҳажми 63,77 миллиард долларни ташкил этиб, бу 2000 йилга нисбатан 2 баробар кўп демакдир. Кириб келган хорижий

инвестициялар ҳажми чиқиб кетган инвестициялардан юқори бўлиб, фарқ таҳлил қилинаётган йилда 26,97 миллиард долларни ташкил этган. Инвестицияларнинг кириб келиши кўпроқ молиявий хизматлар ва суғурта, қайта ишлаш саноати, улгуржи ва чакана савдога тўғри келади.

II БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ХУДУДЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. Мустақил Ўзбекистон республикасида эркин иқтисодий ҳудудларни ривожлантириш асослари

Эркин иқтисодий ҳудудларини ташкил этишда мамлакатимизда ҳам бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Энг асосийлари сифатида 1996 йил 25 апрельда қабул қилинган “Эркин иқтисодий ҳудудлари” тўғрисидаги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони (02.12.2008 й. N ПФ-4059) кабиларни келтириш мумкин.

Маълумки, сайёрамиз минтақаларида аҳоли жойлашуви ва иқтисодий фаолият жараёнлари нотекис тақсимланган. Буни космосдан туриб туширилган фотосуратлар мисолида яққол кўришимиз, осон билиб олишимиз мумкин. Ушбу суратларда Ғарбий Европа, Япония, Жануби-Шарқий Хитой ва океан чегараларида жойлашган АҚШда аҳолининг кўплиги, уларнинг зичлиги ва юқори урбанизациялашгани, автомобиль йўлларининг мўллиги, серкатновлиги ҳамда бир-бири билан юқори даражада кесишувчанлигини кузатиш мумкин. Айни пайтда Африка, Тибет ва Сибир, Австралия минтақаларининг катта қисми сувсиз чўлу биёбонлар, қоп-қора ўрмонлар, у ерларда ҳаёт унча ривожланмагани, аҳолининг сийрак жойлашганига гувоҳ бўламиз. Бунинг боиси –минг йиллардан буён инсонлар қулай иқлим ва юқори унумдорликка эга ерларни ўзлаштиришга, у ерларда ўтроқ ҳаёт кечиришга ҳаракат қилишган. Табиийки, айнан ўша ҳудудларда инсониятнинг цивилизацияси ҳам пайдо бўлган. Кейинчалик, яъни sanoatлаштириш даврига келиб, фойдали қазилмалар топилган ҳудудларга кўчиб ўтиш, арзон хомашё ресурсларига эга бўлишга ҳаракатлар бошланди.

Бугунги замонавий дунёда эса, иқтисодий ривожланиш юқори концентрациялашувга эга бўлган агломерацияларда кечмоқда. Агломерация – билимлар ва инновацияларни яратувчи, молиявий, бошқарув ва логистик марказлар, транспорт қатновлари ва юқори истеъмол товарлари бозорларига эга бўлган мегаполис ва юқори урбанизациялашган ҳудудлар.

Муайян бир мамлакат миқёсида кўрадиган бўлсак, аҳолининг сони, зичлиги ва иқтисодий кучларнинг жойлашуви минтақалар ва ҳудудлар бўйича турлича тақсимланган. Ҳудудлар ўзининг шарт-шароити, табиий ресурсларга эгалик ҳажми, ер унумдорлиги, сув ресурсларининг узоқ-яқинлиги жиҳатидан бир-биридан анча фарқланади. Мамлакат бўйича бир неча иқтисодий марказлар мавжудлиги ва марказдан узоқ ҳудудлардаги реал аҳвол улардаги иқтисодий ривожланишнинг табақаланганини кўрсатади. Буни аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ҳудудий маҳсулот мисолида ҳам сезиш мумкин. Айнан юқорида келтирилган омиллар сабаб инвесторлар ўз капиталини юқори потенциалга эга бўлган мамлакат ёхуд унинг ҳудудларига киритишга, у ерда самарали фаолият олиб бориб, зарурий фойда (даромад)ни қўлга киритишга ҳаракат қилишади.

Марказларда асосий билимлар ва инновацияларнинг тўплангани, ишлаб чиқариш кучларининг қулай жойлашуви, юқори инфратузилма объектларининг мавжудлиги аксарият ҳолда ушбу ҳудудларда инвестициялар оқимининг ҳам юқори бўлишини таъминлайди. Ва аксинча, ижтимоий-иқтисодий қашшоқ ва экологик жиҳатдан нобоп ҳудудларда ижтимоий кескинликнинг кучайиши, ҳар хил жиноятларнинг авж олиши, диний ва ҳатто сиёсий тўқнашувларнинг юз бериши кузатилади. Аксарият сармоядорлар эса бундай ҳудудларга инвестиция йўналтиришга таваккал қилмайди. бундай салбий ҳолатларнинг юзага келишини бартараф этиш, уларнинг олдини олиш учун давлат томонидан минтақавий-ҳудудий сиёсат олиб борилади.

Бугунги кунда юртимизда 7 та эркин иқтисодий зона (ЭИЗ) ташкил этилган. (Навоий, Ангрен, Жиззах, Ургут, Гиждувон, Қўқон ва Ҳазорасп). Улардан 4 таси, яъни Ургут, Гиждувон, Қўқон ва Ҳазорасп ЭИЗларининг ташкил топганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ.

Ангрен ЭИЗ. 2012 йилда ташкил этилган бўлиб, шу пайтга қадар 23 та лойиҳага жами 457,76 миллион долларлик инвестиция киритилган бўлиб, шундан 155, 26 миллион доллари Хитой, Корея, Австрия, Сингапур, Россия, Буюк Британиядан жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Мазкур инвестицияларнинг самараси ўлароқ, Ангрен ЭИЗда 1600 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Ҳозирда Ангрен ЭИЗда 20 дан ортиқ маҳсулот турлари ишлаб чиқарилмоқда. Биргина 2016 йил давомида ЭИЗ қайнашчилари томонидан 929,0 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Жиззах ЭИЗ. 2013 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда қадар 91 миллион долларлик инвестиция эвазига 19 та замонавий корхона ишга туширилган. 2016 йилда жами 255,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, шундан 11,9 миллион доллари экспортга йўналтирилган.

Навоий ЭИЗ. 2008 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда 19 та корхона фаолият юритмоқда. Навоий ЭИЗ ташкил этилгандан буён жами 122 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган. Киритилган инвестицияларнинг 35 фоизга яқини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобланади. 2015 йил якуни билан 184,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ва 5,1 миллион АҚШ долларлик маҳсулотлар экспорт қилинган.

Бундан ташқари, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 3 май куни мамлакатда фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган етти та эркин иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисидаги фармонни тасдиқлади. Мазкур Фармонга биноан, Тупроқ ва иқлим шароитлари ноёблигини инобатга олиб, Қорақалпоқистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида эркин

иқтисодий зоналар ташкил этиш тўғрисида киритилган таклифга биноан «Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлик-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилинди.

Инвестиция фаолиятини тартибга солишда энг муҳим ва ҳал қилиниши лозим бўлган масалалардан бири – чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни ҳудудлар бўйлаб мақбул даражада бир текис жойлаштиришдир. Ҳудудларнинг табиий шарт-шароити, яратилган бизнес муҳит, ижтимоий-сиёсий, ташкилий-бошқарув принципларининг адолатли йўлга қўйилгани, аҳолининг бизнес юритишга ва тадбиркорликни амалга оширишга бўлган иштиёқи, рискка мойиллиги ҳамда меҳнат ресурсларининг малакаси, турли институционал тузилмаларнинг мавжудлиги, уларнинг ривожлангани каби омиллар инвестицион жозибадорликни намоён этадиган муҳим шартлардан ҳисобланади.

Зонал сиёсат – бу мамлакатда эркин иқтисодий ҳудуд (ЭИХ)ларни яратиш бўйича ҳамда регион, тармоқ, соҳа ва алоҳида корхоналарнинг потенциални чуқур ўрганиб, ушбу потенциални реализация қилиш тизимини ишлаб чиқиш бўйича давлатнинг олиб борадиган чора-тадбирлар мажмуаси бўлиб, унга мамлакатда шаклланган меҳнат тақсимоти самарали ривожланишини режалаштиришнинг бир қуроли, деб қараш керак.

ЭИХларни мамлакатда мавжуд ресурсларнинг самарасиз ишлатилаётган соҳа, тармоқ ва регионлардан самарали ишлатиб бўладиган соҳа, тармоқ, регионга оқишига кўмаклашувчи восита, деб қараш зарур. Зонал сиёсат мамлакатда ЭИХлар эркин ва самарали фаолият юритиши учун умумдавлат миқёсида шароитни яратишга хизмат қиладиган сиёсатдир, бунинг учун эса:

- ишловчан, самарали норматив-ҳуқуқий базани яратиш;
- ҳудудлар ташкил этишнинг умумий тамойил ва шарт-шароитларини ишлаб чиқиш;

- худудни ташкил этиш ва ликвидация қилиш тартибларини белгилаш;
- солиқ солиш ва солиқ имтиёзлари тизимини белгилаш;
- валюта тартибини аниқлаб бериш;
- ўзаро ҳисоб-китоблар тартибини белгилаш;
- божхона чегаралари ва тартибини белгилаб бериш;
- бўлиши мумкин бўлган салбий оқибатларни бартараф этишнинг иқтисодий механизмини яратиш;
- худудда кредит сиёсатининг тамойилларини белгилаш;
- хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш лозим.⁷

ЭИХларни яратиш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг ўзига хослиги кўплаб омилларга боғлиқ: ташкил этиш хусусиятлари, бошқаришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий механизми, жойлашган мамлакат ва регионнинг географик муҳити, худуднинг типи, майдоннинг катта-кичиклиги ва ҳоказолар.

Эркин иқтисодий худуд яратиш мамлакатнинг иқтисодий рақобатдошлигини оширишнинг синалган ва энг самарали куралидир. ЭИХ – бу мамлакатнинг имиджи ҳам. ЭИХлар, ҳатто, ёмон фаолият юритган тақдирда ҳам мамлакатнинг либераллашувига хизмат қилади. ЭИХга оқилона ёндашилганда, унинг фаолият юритиш механизмлари чуқур ўрганилиб, оқилона жорий этилганда, у мамлакат иқтисодиётини сифат жиҳатдан юқори даражага олиб чиқиш имконини беради. ЭИХ қайси мамлакатда, унинг қайси худудида яратилмасин, у ижтимоий лойиҳадир. Худудни яратиш нафақат худуд учун қўшимча даромад келтиради, балки бутун мамлакат учун турли шаклда фойдали қайтим беради, жумладан:

- хорижий инвесторлар билан мулоқот қилишга имкон берувчи фирмалараро коммуникацияни яратади;

⁷ Хамроев Ҳ.Р. Зонал сиёсат: методология, хорижий тажриба ва қўллаш йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти, 2008.

- иқтисодий маданиятни, шу жумладан, тадбиркорлик маданиятини халқаро даражага кўтаради;
- ҳудудда янгича ишлаётган мутахассис кадрлар илғор тажрибани ўзлаштириб, секин-аста уни ҳудуддан ташқаридаги корхоналарга ҳам ёяди;
- мамлакатдаги инфратузилманинг фойдали иш коэффициенти кўтарилади;
- мамлакатда рақобат самараси юзага чиқади, яъни, ҳудуддаги корхоналар ҳудуддан ташқарида жойлашган корхоналарни ўзлари билан рақобат қилишга мажбур қилади;
- “Тадбиркорлик сифати самараси” ни беради, яъни ЭИХ атрофида халқаро стандартлар таркиб топади, ривожланади (махсулот сифатида, инфратузилма даражасида, бизнес муносабатларида, профессионал менежмент масалаларида).

2.2. Мамлакат иқтисодий самарадорлигини оширишда эркин иқтисодий ҳудудлар фаолияти таҳлили

2016 йилда маъмурий ҳудудлар бўйича Қорақалпоқистон Республикасига асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 5 ўринни эгаллаган (7 фоиз). Ўтган 2015 йилда эса мазкур ҳудудга киритилган инвестицияларнинг улуши 14 фоизни ташкил этиб, Тошкент шаҳридан сўнг иккинчи ўринни эгаллаган ва бунда хорижий инвестиция ва кредитларнинг улуши 48,9 фоизни ташкил этгани ҳолда, энг юқори кўрсаткичлардан бирини ташкил этган. Шунингдек, жон бошига тўғри келган кредитлар ҳам ушбу ҳудудда энг юқори қийматни ҳосил қилган (3334,5 минг сўм). Буларнинг барчасини ҳудудда олиб борилаётган модернизация жараёнлари ва нефт-газ конларини ўзлаштириш ва углеводород ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ иқтисодий сиёсат билан изоҳлаш мумкин. Бундай ҳолат Қашқадарё вилоятига ҳам тегишлидир. Чунки таҳлил этилаётган йилларда

асосий капиталга киритилган инвестициялар, жон бошига тўғри келадиган инвестициялар кўлами, хорижий инвестициялар ва кредитларнинг улуши ҳам ушбу вилоятда юқори бўлган.

Қорақалпоқистон Республикасида асосий капиталга киритилаётган инвестициялар бошқа ҳудудларга қараганда энг юқори бўлиб келаётган бўлса-да, ЯИМда мазкур ҳудуднинг улуши 2013 ва 2016 йилларда энг паст кўрсаткичлардан бири сифатида намоён бўлган (3 фоизни ташкил этган). Ваҳоланки, 2015 йилда Қорақалпоқистон Республикасида асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми ЯҲМнинг 132 фоизини 2016 йилда эса 57,2 фоизни ташкил этган. Олимларнинг фикрига кўра, бошқа омиллар ўзгармас бўлган шароитда қайси бир минтақада асосий капиталга киритилган инвестициялар юқори бўлса, ўша минтақада ишлаб чиқариш ҳажми ҳам юқори бўлади.

Аммо иқтисодиётда шундай ҳолатлар ҳам кузатиладики, капитал захирасининг ҳаддан ташқари кўплиги, капитал омилининг унумдорлигини пасайтириб, пировард маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига салбий таъсир кўрсатади. Чунончи, капитал захирасининг кўпайиши билан бирга меҳнат ресурсларининг ҳам сифат кўрсаткичи параллел равишда юқори бўлиб бориши зарурий шартлардан ҳисобланади.

Буни Тошкент шаҳри мисолида кузатиш мумкин: 2015 йилда ва ундан олдинги йилларда ҳам ҳудудда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми ЯҲМнинг 25 фоизи атрофида бўлгани ҳолда, меҳнат унумдорлигининг юқорилиги боис, ҳудудда яратилган миллий бойлик ЯИМнинг 19 фоизини (энг юқори кўрсаткич) ташкил этган.

Мавжуд статистик маълумотлар орқали қолган ҳудудларни таҳлил қиладиган бўлсак, 2015 йилда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ЯҲМга нисбатан Қашқадарё вилоятида –43, Бухоро вилоятида –40 ва Сирдарё вилоятида –31 фоизни ташкил этган. Ушбу вилоятларнинг ЯИМдаги улуши мос равишда 9, 7, 2 фоизни ташкил қилган. Бу эса киритилган

инвестициялар билан бирга бир йил давомида яратилган миллий бойлик ўртасида унчалик ҳам юқори боғлиқлик мавжуд эмаслигидан далолат беради. Шу боис, ҳудудларни комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқиладиганда барча омиллар ҳисобга олиниши ва аниқ регрессион моделлар асосида оқилона иқтисодий қарорлар қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда инвестицион фаолликни янада кучайтириш, ҳудудларнинг инвестицион жозибadorлигини ошириш мақсадида Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларида эркин иқтисодий зоналар ташкил этилиб (Навоий, Жиззах, Ангрен, Ургут, Ёждувон, Қўқон ва Ҳазораспда), хорижий инвесторларнинг капитал қўйилмалари ва ўз бизнесларини юритишларини таъминлашга қаратилган тизимли институционал ислохотлар амалга оширилмоқда. Агар йиллар динамикасига эътибор қаратадиган бўлсак, 2000 йилда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг жами қиймати 744520 миллион. сўмни, бунда жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ҳажми 30,2 минг сўмни ташкил этган.

2000 йилда Ўзбекистон аҳолисининг сони 24487,7 минг кишини, 2005 йилда эса 26021,3 минг кишини, 2015 йилга келиб 31575,3 минг кишини ташкил этган. 2000-2005 йиллар оралиғида аҳоли сони 1,06 баробар ошган бўлса, жон бошига тўғри келган инвестициялар ҳажми худди шу йиллар оралиғида 4 баробар ўзгарган. Иқтисодиётнинг ривожланиши учун инвестициялар аҳамиятининг юқори эканини қиймат кўринишида яратилган ЯИМ мисолида ҳам кузатиш мумкин.

2000 йилда мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 744520 миллион сўмни ташкил этгани ҳолда, ҳудудлар кесимида энг катта улуш Тошкент шаҳрига (24,5 фоиз), ундан кейин Қашқадарё вилоятига (16,9 фоиз) тўғри келган. Бу ҳам бўлса, ҳудудларнинг инвестицион салоҳияти, у ерда

мавжуд бўлган хом ашё ресурсларининг мавжудлиги (қазилма бойликлар), инфратузилмаларнинг ривожланганлиги, шунингдек, ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги юқорилиги билан изоҳланади.

Ҳудудларнинг бир текисда ривожланишини таъминлаш, ҳудудлардаги аҳоли даромадалари ўртасидаги кескин фарқланишнинг олдини олиш билан боғлиқ масалаларни макро ва мезоиктисодий даражада ҳал этиш давлатнинг ва жойлардаги маъмурий-бошқарув ҳокимиятларнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Дейлик, 2000 йилда мамлакатимиз бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестицияларнинг миқдори ўртача 30,2 минг сўмни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткичдан паст бўлган ҳудудлар сони 11 тани ташкил этган. Қолган учта маъмурий ҳудудда (Тошкент шаҳри, Қашқадарё ва Навоий вилояти) мазкур кўрсаткич мамлакатимиздаги ўртача кўрсаткичидан кескин юқори бўлганини кўриш мумкин. Ўз-ўзидан, жон бошига тўғри келадиган даромадлар ҳам айнан ушбу ҳудудларда юқори бўлган.

2015 йилда жон бошига тўғри келадиган умумий даромадларнинг ўртача қиймати 3928,8 минг сўмни ташкил этиб, ҳудудлар бўйича ушбу кўрсаткичдан юқори бўлган вилоятлар қуйидагилар: Бухоро вилояти – 4614,2 минг сўм; Навоий вилояти – 6576,5 минг сўм; Сирдарё вилояти – 4127,1 минг сўм; Тошкент вилояти – 4459,5 минг сўм; Тошкент шаҳри – 8464,7 минг сўм. Ваҳоланки, ушбу кўрсаткичлар бўйича 2010 йилда вазият мутлақо бошқача тус олган эди.

Биргина Сирдарё вилоятида жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад умуммамлакат кўрсаткичининг 74 фоизини ва ўртача умуммамлакат кўрсаткичидан катта бўлган ҳудудлар иккитани ташкил этган (Тошкент ш., Навоий вилояти).

Ушбу даромадларнинг таркибида меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар умумий даромаднинг 72,9 фоизини ва трансфертлардан тушган даромадлар 21,8 фоизни ташкил этмоқда⁶⁰. Ҳудудлар иқтисодиётига

киритилган инвестициялар ўша йилнинг ўзида ҳудудий ялпи маҳсулотнинг ўсишига таъсир кўрсатмаса-да, аммо маълум бир вақт ўтгандан кейин мультипликатив самара беради.

Сабабий боғлиқликдаги таҳлил натижаларидан ҳам кўриш мумкинки, 2000 йилда Андижон вилоятида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад 111,2 минг сўмга тенг бўлган. Ваҳоланки, 2000 йилда вилоятга йўналтирилган инвестициялар (асосий капиталга) ҳамда жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ҳажми республикадаги энг паст кўрсаткичлардан бири бўлган.

Таҳлилларни ҳар беш йилдаги ўзгаришларга боғлаган ҳолда баён этадиган бўлсак, вазиятнинг сифат жиҳатидан бир мунча ўзгарганини кўриш мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳукумат томонидан олиб борилаётган ҳудудларни ривожлантириш стратегиясининг ўзгариб туриши ҳам ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларининг ўзгаришига сезиларли таъсир кўрсатади. 2005 йилда ЯИМни яратишда ҳудудлар ва тармоқларнинг улуши, табиийки, турлича бўлган. Саноат, хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланган ҳамда юқори технологияларга ихтисослашган корхоналари кўп бўлган ҳудудларнинг ЯИМдаги улуши ҳам юқори бўлади. Тошкент шаҳрининг улуши энг юқори кўрсаткични намоён этади (11,9 фоиз). Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти юқорилиги сабаб, ҳар йили ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми бўйича ҳам Тошкент шаҳри пешқадам бўлиб келмоқда.

Қиёсий таҳлил қилсак, беш йил олдин (2000 йилда) мамлакатимизда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми (744520 миллион сўм) билан 2005 йилнинг ўзида биргина Тошкент шаҳрига киритилган инвестициялар (асосий капиталга) ҳажми деярли бир-биридан унчалик ҳам катта фарқ қилмаган.

Агар ялпи ҳудудий маҳсулотни яратишда иштирок этган иқтисодиётда банд аҳолига нисбатан таҳлил қиладиган бўлсак, юқорида таъкидлаганимиздек, қаерда юқори технологияларга ихтисослашган корхоналар мавжуд бўлса ва фаолият юритса, ўша ерда меҳнат унумдорлиги юқори бўлади. Биргина Тошкент шаҳри билан Фарғона вилоятларини ўзаро қиёслаш орқали ҳам сўзимизнинг исботига далил келтириш мумкин.

2015 йилда Фарғона вилоятида иқтисодиётда банд аҳоли сони 1485,3 минг кишини ташкил қилган ва улар томонидан яратилган ЯҲМ □11278,9 миллиард сўмга тенг бўлган. Тошкент шаҳрида эса 26648,7 миллиард сўмлик ялпи ҳудудий маҳсулотни яратишда 1168,1 минг киши иштирок этган (иқтисодиётда банд аҳоли сони).

Демак, Тошкент шаҳрида ЯҲМни яратишда Фарғона вилоятига қараганда 317,2 минг кишига кам бўлган банд аҳоли билан 15369,80 миллиард сўмга кўп товар ва хизматлар ишлаб чиқарилган.

Меҳнат унумдорлиги Тошкент шаҳрида Фарғона вилоятига қараганда уч баробар юқори бўлмоқда. Тўғри, қаерда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланган бўлса, ўша ерда ўртача меҳнат унумдорлиги ҳам юқори бўлади.

Иккинчи томондан олганда, Тошкент шаҳрида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилмайди, шу боисдан бошқа вилоятларга қараганда жон бошига тўғри келадиган ЯҲМ, жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад ҳамда асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг ҳажми юқори бўлган.

Шу борада ҳудудий инвестицион жозибадорлик қийматини аниқлаш ва унга таъсир кўрсатадиган омиллар, мавжуд рискларни инобатга олган ҳолда ҳисоблашнинг қатор услубларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Қуйида амалга оширилган ва яратилган формулалар аввалги тадқиқот ишлари ва турли даврларда хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан олиб борилган изланишларни ўрганишнинг маҳсули бўлиб,

қайсидир маънода улар томонидан қўлланган ҳисоб-китобларнинг модификацияланган варианты ҳисобланади.

Мамлакат иқтисодиётини технологик жиҳатдан янгилаш ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш, ялпи ички маҳсулотнинг энергия, материал сифимкорлигини қисқартириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини тубдан ошириш ва иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга ўтказишнинг моддий асосларини яратиш имконини беради.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, жамғариш нормаси билан иқтисодий ўсиш суръатлари ўртасида кучли корреляцион боғланиш мавжуд. Умумий тарзда уларни қуйидагича ифодалаш мумкин. Бошқа тақдирда ўзгармаган шароитда мамлакатда жамғариш нормаси қанчалик юқори бўлса, иқтисодий ўсиш суръатлари ҳам шунчалик юқори бўлади. Ривожланган мамлакатларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ишлаб чиқариш барқарор ўсишининг 2 фоизига ошиши, ЯИМдаги жамғармалар улушининг бир фоизга кўпайишига олиб келади. Халқаро валюта фонди мутахассисларининг тадқиқотларига кўра, ушбу нисбат ривожланаётган мамлакатларда 0,5 фоизни ташкил этади.

Шуни таъкидлаш лозимки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган, жаҳон ва минтақавий инвестиция бозорларида рақобат кучайиб бораётган бир шароитда мамлакатда яна ҳам қулай инвестиция муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш, шунингдек, хорижий инвесторлар билан ишлашдаги мавжуд бюрократик ғов ва тўсиқларни бартараф этиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига давлат ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик борасида қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш, уларни ташкил

этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш тартибини янада соддалаштириш, жиноий ва маъмурий қонунчиликни либераллаштириш ҳисобидан тадбиркорларга янада кенг эркинлик беришда инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш самарадорлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар дастурининг қабул қилиниши катта аҳамият касб этмоқда.

Айни чоғда 2015 йилнинг 15 май куни қабул қилинган хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга оид чора-тадбирлар ишбилармонлик муҳити ва бизнес шароитнинг янада яхшиланиши борасидаги ишлар таъсирчанлигини оширади. Фармон тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни тугатиш, хусусий мулк улушини изчил ошириш учун янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароитлар ҳамда рағбатлар яратишда янги босқични бошлаб бергани билан ҳам аҳамиятлидир.

Статистик маълумотларнинг гувоҳлик беришича, 2000 йилда иқтисодиётга йўналтирилган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 172,3 миллиард сўмни ташкил этган. Шундан 14,5 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга тўғри келган. 2005 йилда хорижий инвестициялар ҳажми 2000 йилга қараганда қарийб 5 баробарга кўпайиб, 687 миллиард сўмни ташкил этган. Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, уни сифат нуктаи назаридан унинг самарадорлигини оширишга қаратилган инвестицион сиёсат туфайли 2010 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг умумий хорижий инвестициялардаги улуши 68,5 фоизга етган.

Глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг кейинги тўлқини дунё мамлакатлари иқтисодиётини қамраб олган даврда Ўзбекистонга четдан кириб келган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 4340,9 миллиард сўмга етиб, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши энг юқори

кўрсаткични, яъни 87 фоизни этган. 2015 йилда бундай инвестицияларнинг қиймати 6133,1 миллиард сўмга етди. Бу 2010 йилга қараганда 1,63 баробар кўп эканидан далолат берадиган кўрсаткичдир.

Таҳлил қилинаётган йилларда мамлакатимизнинг бошқа ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларида ҳам ўзига хос ўзгаришлар рўй берганини қайд этиш ўринлидир. 2000 йилда Ўзбекистон аҳолисининг умумий сони 24487,7 минг кишини, ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажми эса жорий нархларда 3255,6 миллиард сўмни ташкил этган. 2016 йил якунлари бўйича мамлакатимиз аҳолисининг умумий сони 32120,5 минг кишига, ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг умумий ҳажми эса 199325,1 миллиард сўмга етган.

Агар ушбу маълумотларни миқдорий ва сифат кўрсаткичлари орқали изоҳлайдиган бўлсак, бунинг учун жон бошига ҳамда ривожланаётган мамлакатларнинг худди шу кўрсаткичлар бўйича натижаларини қиёсий таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунда аниқ ва мантиқий хулоса қилиш имконияти юзага чиқади.

Маълумки, Ўзбекистон аҳолиси ўртача ҳар йили 1,6 фоиздан кўпайиб бормоқда. Демак, жон бошига тўғри келадиган иқтисодий кўрсаткичларнинг юқори бўлишини таъминлаш учун битта банд аҳолига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини йилдан-йилга (аҳолининг ўсиш суръатидан юқори ҳажмда) ошириб бориш талаб этилади. Бунинг учун эса кам энергия сарфловчи ва юқори унумдорликка эга бўлган техника ва технологияларни сафарбар этиш, уларни ишлатадиган ва кенг кўламда фойдалана оладиган ишчи кучининг малакасини ошириш, замонавий менежментнинг илғор усулларини амалиётга жорий этиш лозим.

Бунда тўғридан-тўғри инвестициялар кўламини жадаллаштириш, корпоратив бошқарувнинг асосий принципларини кенг ҳажмда корхоналар, компаниялар фаолиятига татбиқ этиш муҳимдир. Айни дамда республикамизда мавжуд асосий воситаларнинг катта қисми жисмоний ҳамда маънавий жиҳатдан эскирган. Шуларни инобатга олиб, ҳукумат

томонидан айнан Хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётга кўпроқ кириб келишига устуворлик берилаётгани ҳам бежиз эмас.

2.3.Эркин иқтисодий ҳудудларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш чора-тадбирларини амалга оширишнинг муҳим шарти ва манбаи сифатида фаол инвестиция сиёсатининг амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётимизга жалб қилинган инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Иқтисодиётда изчиллик билан амалга оширилаётган тузилмавий ўзгаришлар ва модернизациялаш жараёни инвестицион фаолликни таъминлади.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни беқиёсдир. Бунда илғор технологияларнинг татбиқ этиш, янги иш ўрни яратиш ва шу асосида мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилди. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилишни мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган. Қуйида берилган жадвалда жалб қилинган ва жалб қилиниши режалаштирилган хорижий инвестициялар, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг йиллар бўйича ўзгариш суръати келтирилган (2.1-жадвал).

2.1-жадвал. 2011-2016 йиллардаги давлат инвестиция дастурлари доирасида тўғридан-тўғри хорижий сармояларни йиллар бўйича ўзгариш суръати (миллион АҚШ доллари)

Йиллар	Жами хорижий инвестициялар	Шундан, тўғридан-тўғри инвестициялар
2011 йил	1685,78	1289,53
2012 йил	2705,48	2288,21
2013 йил	2757,43	2370,99
2014 йил	3832,4	3368,4
2015 йил	3277,55	2526,56
2016 йил	3016,7	2180,2

2.1-жадвалидан кўришиб турибдики, 2014 йилда хорижий инвестициялар ҳажми 3832,4 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Бу кўрсаткич 2011 йилдагидан қарийб 1074,97 миллион АҚШ долларига кўп эканини кўзатиш мумкин. 2015 йилда хорижий инвестициялар ҳажми 3277,55 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, шундан 2526,56 миллион АҚШ доллари, яъни 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома ва битимлар асосида 2016 йилда иқтисодиётимизнинг реал секторига 3 миллиард АҚШ долларидан ортиқ инвестиция киритилиши кўзда тутилди. Шунини таъкидлаш керакки, бу маблағнинг 2 миллиард 180 миллион

АҚШ долларидадан ортиғи ёки 72 фоизидан зиёдини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этади.(2.2- жадвал).

Бу борада 2016 йил учун ишлаб чиқилган ва 370 дан ортиқ стратегик муҳим лойиҳани амалга оширишни кўзда тутадиган Инвестиция дастури ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақсадлар учун ажратиладиган 13 миллиард долларнинг 75 фоизини ички манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган маблағлар, қолган қисмини жалб этиладиган хорижий инвестициялар ташкил этади. Инвестиция дастурини амалга оширишда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тобора муҳим ўрин тутмоқда. 2016 йилда фақат жамғарма маблағлари ҳисобидан қиймати 780 миллион долларлик 34 тадан ортиқ муҳим лойиҳа, биринчи навбатда, хорижий шериклар билан ҳамкорликда барпо этиладиган объектни молиялаштириш режалаштирилди.

2.2-жадвал

2016 йил давомида жалб қилиши режалаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар (миллион АҚШ доллари)

Кўрсаткичлар	қиймати
Жалб қилиниши кўзда тутилган хорижий инвестицияларнинг умумий миқдори	3016,7
Давлат инвестиция дастури доирасида	3233,8
Худудий инвестиция дастурлари доирасида	490,0
Шу жумладан, тўғридан-тўғри инвестициялар	2180,2

Сармоясиз тараққиёт йўқ, ишлаб чиқаришни ва умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур етиб бўлмайди.

2016-йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда 13 миллиард доллар қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2015-йилга нисбатан 11,3 фоизга кўпдир. Ўзлаштирилган капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг деярли ярмини, яъни 47 фоизини

хусусий инвестициялар – корхоналар ва аҳолининг шахсий маблағлари ташкил етгани алоҳида еътиборга лойиқдир.

Жалб этилаётган инвестицияларнинг асосий қисми – 70 фоиздан ортиғи, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш объектларини қуришга йўналтирилди, энг янги замонавий ускуналар харид қилишга сарфланган инвестициялар улуши эса қарийб 40 фоизни ташкил этди.

Умуман олганда, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киритиш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоиздан иборат бўлди.

Ўзлаштирилган умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг 3 миллиард доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди. Шунинг 72 фоиздан зиёди ёки 2 миллиард 200 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Мамлакатимизда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ташкил этилгани чет ел инвестицияларини жалб этишда кўп жиҳатдан муҳим аҳамият касб этмоқда. Жамғарманинг асосий вазифаси иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва йўл-коммуникация соҳасидаги стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини хорижий шериклар билан ҳамкорликда молиялашда фаол иштирок этишдан иборатдир.

Жамғарма фаолият бошлаганидан буён ўтган қисқа вақт мобайнида 15 миллиард доллардан зиёд миқдордаги активларга эга бўлган қудратли молия институтига айланди.

Жамғарма ўз маблағлари билан умумий қиймати 29 миллиард доллардан зиёд 86 та стратегик аҳамиятга молик инвестиция лойиҳасини ҳамкорликда молиялаштиришда иштирок этмоқда. Фақат 2016-йилнинг ўзида Жамғарма маблағлари иштирокида қиймати 780 миллион доллардан ортиқ бўлган 33 та ўта муҳим лойиҳа амалга оширилди.

2016-йилда Инвестиция дастури доирасида молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан умумий қиймати қарийб 2 миллиард 700 миллион

доллардан иборат бўлган 150 та ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳани амалга ошириш ишлари ниҳоясига етказилди. Булар қаторида

- Тошкент иссиқлик электр марказида когенерацион газ турбинали технологияни жорий этиш;

- Жанубий Ўртабулоқ – Муборак газни қайта ишлаш заводи газ қувурини ва компрессор станциясини барпо этиш орқали Сомонтепа ва Жанубий Ўртабулоқ конларини тўлиқ жиҳозлаш;

- «Ангрен» конини модернизация қилиш орқали Янги Ангрен иссиқлик электр станциясининг 1-5-энергия блокларини йил давомида кўмир билан ишлашга ўтказиш;

- «Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудида «Оҳангарон» подстанциясини реконструкция қилиш;

- «Бекобод цемент» очиқ акциядорлик жамиятида янги линия қуриш ҳисобидан фаолият кўрсатаётган цемент ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш;

- “Қуюв-механика заводи” шўба корхонасида металл қуйишни реконструкция қилиш ва бошқа йирик лойиҳалар борлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, Тошкент ва Наманган вилоятларида замонавий тўқимачилик комплекслари, Жиззах ва Хоразм вилоятларида йигирув ва тўқув, Самарқанд вилоятида спорт поябзаллари ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди. Озиқ-овқат саноати бўйича 21 та корхонада ишлаб чиқариш модернизация қилинди ва техник қайта жиҳозланди.

Маълумки, биз мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ва янгилаш, замонавий инновацияларга асосланган ва юксак самарали технологияларни жорий этиш бўйича ўз олдимизга катта мақсадлар қўйганмиз. Уларни амалга оширишда керакли имтиёزلарга эга бўлган махсус индустриал зоналарни ташкил этиш йўлида охириги йилларда биз кўпгина тажрибаларга эга бўлмоқдамиз.

Бунинг амалий тасдиғини «Навоий» ва «Ангрен» махсус индустриал зоналари фаолияти мисолида кўриш мумкин.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилганидан буён унинг ҳудудида умумий қиймати 100 миллион доллардан зиёд бўлган 19 та инвестиция лойиҳаси бўйича ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Жумладан, юксак технологиялар асосида модем ва телевизорлар учун приставкалар, электр энергияни электрон ҳисоблагичлар, юқори кучланишга чидамли кабеллар, иссиқлик ва сув иситиш қозонлари, мобил ва стационар телефон аппаратлари, тайёр дори воситалари ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

2016-йилда махсус зонадаги корхоналар томонидан қиймати 100 миллиард сўмдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди ва бу борадаги ўсиш суръати 2015-йилга нисбатан 25,8 фоизни ташкил этди.

«Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудида қисқа муддатда умумий қиймати қарийб 44 миллион доллар бўлган 5 та лойиҳа асосида энергияни тежайдиган диодли ёруғлик лампалар, турли катталиқдаги мис қувурлар, кўмир брикетлари каби юксак технологиялар асосидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, шакар ишлаб чиқариш бўйича янги завод ва бошқа корхоналар ташкил етилди.

Айни шу йўналишда тўпланган тажрибани ҳисобга олиб, 2013 йилнинг март ойида Жиззах вилоятида «Жиззах» махсус индустриал зонаси ташкил этилди. Сирдарё вилоятида бу зонанинг филиали фаолият кўрсатиши кўзда тутилган. Бугунги кунда «Жиззах» махсус индустриал зонаси ҳудудида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш жойизки, бугунги кунда иқтисодиётдаги таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш давлат ва хусусий корхоналарни инвестицион фаолиятини янада мустаҳкамлаш, чет эл

инвестицияларини туғридан-туғри жалб этиш ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги иш ўринларини яратишга ва миллий иқтисодиётимизни жадал суръатлар билан барқарор ўсиши учун асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимиз ҳудудларининг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш Ўзбекистонда юритилаётган иқтисодий-сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири бўлмоқда. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиши, турмуш шароитининг яхшиланиши ҳам бевосита уларнинг иқтисодиёти ривожланиши билан боғлиқ. Мамлакат иқтисодиёти ҳудудлардан таркиб топган бир бутун тизимини ташкил этгани сабабли, унинг ҳар бир минтақасидаги ривожланишни таъминлаш мамлакатимизнинг узлуксиз тараққиётига замин яратади.

Шундай экан, туғридан-туғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда мамлакат ва унинг минтақаларида яратилган инвестицион жозибадорлик ва нисбий афзалликлар муҳим ўрин тутаяди. Айнан ушбу омилларга инвесторлар томонидан алоҳида эътибор берилади. Ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини аниқлашда турли услублардан фойдаланилади. Уларнинг бир-биридан фарқи инвестицион муҳитини белгилайдиган кўрсаткич ва индикаторларни танлаб олишда намоён бўлади.

Мамлакатимиз олимларининг тадқиқотларига кўра, минтақаларнинг инвестицион жозибадорлик индекси олтига элемент асосида ҳисобланади ва шу бўйича интеграл индекс аниқланади. Олинган маълумотларга кўра, минтақаларнинг инвестицион жозибадорлигини учта гуруҳга бўлиш мумкин

Биринчи гуруҳга Тошкент шаҳри, Тошкент, Қашқадарё, Андижон ва Фарғона вилоятлари киради ҳамда улар инвесторлар учун энг қулай ҳисобланади. (индекс 0,755-0, 347). Инвестицион жозибадорлигини юқори бўлиши ушбу ҳудудларда табиий-иқтисодий салоҳият, инфратузилма, жумладан, транспорт ва ахборот-коммуникация тармоқларининг ривожланиши даражаси юқорилиги билан белгиланади.

Иккинчи гуруҳни Самарқанд, Бухоро, Навоий ва Наманган вилоятлари ташкил этади. (индекс 0,322-0,288). Ушбу ҳудудлар хорижий инвесторларнинг қазиб оладиган ва қайта ишлайдиган корхоналар фаолият кўрсатаётган ига қизиқиши билан белгиланади.

Учунчи гуруҳга нисбатан кам ривожланган ҳудудлар – Хоразм, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси киради (индекс 0,284-0,234). Юқорида қайд этилган ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишда давлатнинг иштироқи юқори бўлиши лозим.

Мамлакатимизда 2018 йил учун амалга ошириш белгилаб олинган инвестицион дастурда молиялаштиришнинг сезиларли қисми корхона маблағлари (30 фоиз) ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш (17 фоиз) орқали амалга оширилиши режалаштирилган (2.1.-расм)

Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, аҳоли маблағлари, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига 2018 йилда жами инвестиция маблағларининг 29 фоизи тўғри келиши назарда тутилган. Бундан кўриниб турибдики, асосий эътибор корхона маблағлари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кўламини ошириш ва бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик қувватларини модернизация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали аҳолининг юқори даромад олишига эришиш, шу асосда халқимиз фаровонлигини юксалтириш мақсад этиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақт ва имкониятлардан самарали фойдаланишга, амалдаги шарт-шароитлардан келиб чиқиб, бойликларни самарали жойлаштириш ва шу йўл билан мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишини рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб қилишга ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган. Бугунги кунда хорижий

инвестицияларни жалб қилишнинг бир қанча шакллари мавжуд. Улар қўйидаги чизмада акс эттирилган (2.1-расм).



2.1-расм. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари.

Стратегик хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида мамлакатимизда инвесторларни ўзи учун ҳам, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун ҳам ноёб кафолатлар тизими яратилди.

“Навоий”- эркин индустриал – иқтисодий зонаси ташкил этилгандан буён бу ерда 12 та корхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2015 йилда улар томонидан қарийиб 60 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Аккумулятор симлари, автомобиль газ баллонлари, телефонлар, модемлар ва Интернет учун қўшимча мосламалар ишлаб чиқариш бўйича 2016 йилда корхоналар ташкил этиш каби юқори технологиялар асосидаги лойҳалар амалга оширилди.

Шу борада тўпланган тажрибани ва Тошкент вилоятидаги ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятларидан фойдаланиш, Фарғона водийсидаги корхоналар билан барқарор иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишнинг келажакдаги муҳим аҳамиятга эга эканини ҳисобга олган ҳолда, “Ангрен” махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган эди. Ҳозирги кунда “Ангрен” махсус индустриал зонаси ҳудудида қиймати 186 миллион долларлик 8 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Уларнинг қаторида зарурат ва эҳтиёж баланд бўлган турли тайёр маҳсулотларни ва бутловчи буюмларни ишлаб чиқариш, шунингдек, янги шакар заводини қуриш, тайёр чарм буюмлари ишлаб чиқарадиган комплексни барпо этиш алоҳида ўрин тутди.

Қўлга киритган тажрибамиз шунини тасдиқлаб бермоқдаки, мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида ҳам Навоий ва Ангрендаги каби махсус индустриал зоналарни, заманавий логистика тизимлари ва транспорт инфратузилмаларини яратиш бўйича бошланган ишларимизни давом эттириш мақсадларимизга жавоб беради.

Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар тўғрисида қабул қилинган қарор норматив ҳужжатларда ҳам хорижий ва маҳаллий инвесторларга зарур имтиёзлар берилган. “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон

Республикаси Қонунининг 14-моддасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар кўрсатилган. Мазкур қонунга кўра, эркин иқтисодий зона ҳудудидаги хўжалик фаолияти қатнашчилари (юримдик ва жисмоний шахслар) мамлакат инвесторлари ва чет эллик инвесторлар учун тенг шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда қонун ҳужжатларида белгилангандаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўловлар бўйича имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикасининг эркин иқтисодий зонасида фаолият юритадиган чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқладиган манфаатларининг кафолатларини таъминловчи яна бир асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидир. Мазкур қонуннинг 3-моддасида чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари белгиланган бўлиб, унга кўра, давлат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга оширувчи чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлайди ва ҳимоя қилади. Шунингдек, мазкур қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг амалга оширилишини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда фуқаролиги, яшаш жойи, диний эътиқоди, иқтисодий фаолияти қаерда амалга ошираётганлиги, шунингдек, инвесторлар шунингдек, инвестицияларнинг қайси мамлакатга мансублигига қараб чет эллик инвесторларнинг камситилишига йўл қўйилмайди.

Юқорида қайд этилган Қонуннинг 4-моддасида чет эллик инвесторларга бериладиган қўшимча кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чоралари ҳар бир муайян ҳолда яъни:

-барқарор иқтисодий ўсишни, мамлакат иқтисодиётида илғор тузилмавий ўзгаришлар рўй беришини таъминловчи устувор тармоқларга инвестициялар киритилаётганда;

-республиканинг экспорт имконияти мустаҳкамланиши ва кенгайишини, республика жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциялашувини таъминловчи устувор лойиҳаларга инвестиция киритилаётганда;

-амалга оширилаётганда хом ашё ва материалларни қайта ишлашга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга, аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган кичик тадбиркорлик соҳасидаги лойиҳаларга инвестициялар киритилаётганда берилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуддуда фаолият юритаётган ЭИИЗ қатнашчилари ер солиғи, мол-мулк солиғи, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган, ўз навбатида инвесторлар учун кенг имтиёзлар яратилган.

Шунингдек, “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддаси товарни олиб кириш ва олиб чиқиш учун божхона божларини бекор қилиш, камайтиришни, экспорт-импорт учун тарифдан ташқари чеклашларни бекор қилиш ёки енгиллаштиришни, товарларни белгиланган тартибда албатта баённомасига киритган ҳолда эркин иқтисодий зонанининг божхона чегараси орқали олиб ўтишнинг соддалаштирилган тартибини назарда тутадиган имтиёзлардан иборат алоҳида божхона тартиботини ўз ичига олади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналарнинг самарали фаолият кўрсатиши учун хорижий ва маҳаллий инвесторларга, тадбиркорларга, фирма ва компанияларга кенг имтиёзлар яратиб бера оладиган пухта ҳуқуқий замин яратилмоқда.

ХУЛОСА ва ТАВСИЯЛАР

Битирув малакавий ишени асосий қисмидан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида инвестиция бозорини самарали ташкил этиш шарт-шароитларини, инвестиция бозорини самарадорлигини оширишнинг хориж тажрибаларини ўрганиш асосида инвестиция бозорини макбул даражада ташкил этиш орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга қаратилган ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий ва молиявий масалалар Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижасида қулай инвестиция муҳити шакллантирилди, яъни қулай инвестиция муҳитини шаклланишида иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларига эришилаётганлиги ва бозор институтларининг мавжудлиги ҳамда энг аввало, мустақкам қонунчилик базаси ва инвестициялашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш каби чора-тадбирлар тизимлари яратилганлиги сабаб бўлмоқда.

Эркин иқтисодий зоналар – давлатлараро келишувларга ёки махсус қонунларга мувофиқ хўжалик ва ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш учун имтиёзли солиқ, молия, ҳуқуқий шароитлар жорий қилинадиган муайян ҳудудлардир. Хорижий ва маҳаллий тадбиркорларни жалб этиш мақсадларида ташкил этилади ва уларда зарур ишлаб чиқариш ҳамда иш юритиш инфратузилмаси барпо этилади.

Эркин иқтисодий зоналар – кўп ҳолларда давлатлараро туташ ҳудудларда бир неча давлатларнинг чегаралари туташган ҳудудлар, халқаро аэропортлар, порт шаҳарлар ёки транспорт йўллари туташган ҳудудларда ташкил этилади.

Эркин иқтисодий зоналарда алоҳида халқаро ҳуқуқий статус жорий этилади. Лекин у қаерда жойлашишидан қатъий назар, шу мамлакатнинг ажралмас бўлаги ҳисобланади, барча амалиётлар (ер ажратиш, фирма ва компанияларни ташкил этиш, чегарадан юкларни, товарларни олиб кириш ва

олиб чиқиш, бож тўловлари, солиқ тўловлари бўйича имтиёзлар, қайси валюта ёки валюталар тўлов воситасини ўташи, худудни бошқариш тартиби ва бошқалар) қабул қилинган қоидалар асосида тезкорлик билан бажарилади.

Маълумки, биз мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ва янгилаш, замонавий инновацияларга асосланган ва юксак самарали технологияларни жорий этиш бўйича ўз олдимизга катта мақсадлар қўйганмиз. Уларни амалга оширишда керакли имтиёзларга эга бўлган махсус индустриал зоналарни ташкил этиш йўлида охириги йилларда биз кўпгина тажрибаларга эга бўлмоқдамиз.

Бунинг амалий тасдиғини «Навоий» ва «Ангрен» махсус индустриал зоналари фаолияти мисолида кўриш мумкин.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилганидан буён унинг худудида умумий қиймати 100 миллион доллардан зиёд бўлган 19 та инвестиция лойиҳаси бўйича ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Жумладан, юксак технологиялар асосида модем ва телевизорлар учун приставкалар, электр энергияни электрон ҳисоблагичлар, юқори кучланишга чидамли кабеллар, иссиқлик ва сув иситиш қозонлари, мобил ва статсионар телефон аппаратлари, тайёр дори воситалари ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

«Ангрен» махсус индустриал зонаси худудида қисқа муддатда умумий қиймати қарийб 44 миллион доллар бўлган 5 та лойиҳа асосида энергияни тежайдиган диодли ёруғлик лампалар, турли катталиқдаги мис қувурлар, кўмир брикетлари каби юксак технологиялар асосидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, шакар ишлаб чиқариш бўйича янги завод ва бошқа корхоналар ташкил этилди.

Айни шу йўналишда тўпланган тажрибани ҳисобга олиб, 2013 йилнинг март ойида «Жиззах» махсус индустриал зонаси ташкил этилгани Жиззах ва Сирдарё вилоятларида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-

коммуникатция инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

2017 йилда Ургут, Ѓиждувон, Қўқон ва Ҳазорасп ЭИЗларининг ташкил этилгани мазкур ЭИЗ жойлашган вилоятлар иқтисодий ривожланиш даражаси ва якунида аҳоли фаравонлигини оширишга сезиларли таъсир кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда республика иқтисодий ўсишини юксалтиришда муҳим роль ўйнайдиган эркин иқтисодий ҳудудларни янада ривожлантириш мақсадида республика минтақаларида ишлаб чиқаришни самарадорлигини ошириш бўйича қуйидагиларни **тавсия** қилиш мумкин:

- минтақалар хўжалигининг таркиби бойитилиши ва ўзгартирилиши, кўпроқ аграр, аграр-индустриал соҳадан индустриал-аграр йўналишга мослашуви зарур. Ўз навбатида саноат мажмуалари ишлаб чиқаришининг тармоқлар таркиби диверсификациялашуви, яъни янгилари билан кенгайтирилиши лозим. Зеро хўжалик тузилмасининг турли-туманлиги, унинг мустаҳкамлиги ички ва ташқи бозорда рақобатбардош бўла олади;
- энг аввало саноат корхоналари мажмуасининг, хусусан пахта тозалаш заводларининг ихтисослашуви мавжуд хом ашё ва меҳнат ресурсларидан тўла ва самарали фойдаланиш жиҳатидан қайта кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқдир. Шу нуқтаи назардан мавжуд пахта тозалаш заводларининг сони 2-3 тага камайтирилиб, уларнинг ўрнига янги, замонавий технология билан жиҳозланган машинасозлик, пиллакашлик, тўқимачилик ва фармацевтика корхоналарини қуриш лозим;
- қишлоқ жойлар саноатига жиддий эътибор бериш лозим. Айрим минтақаларда (Сирдарё, Жиззах, Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон республикаси ва бошқалар) саноат мажмуалари ниҳоятда суст ривожланган. Бу минтақаларда маҳаллий меҳнат ресурслари кўп бўлишига қарамай улардан йил давомида унумли фойдаланилмапти. Бинобарин, “кичик ҳудудларнинг” ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳам долзарб муаммодир.

Ўз навбатида вилоятларнинг барча туман ва шаҳарлари мукаммал ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуасини ташкил қилиш лозим;

➤ миллий иқтисодиёт саноати мажмуаларини жадал ривожлантириш унинг ҳудудий ташкил этилишини яхшилаш билан биргаликда амалга оширилиши керак. Масалан, бунинг учун, авваламбор, Сирдарё вилоят маъмурий маркази-Гулистоннинг саноат салоҳиятини юксалтириш, қолган шаҳар ва шаҳарчаларни (Сирдарё, Бахт, Янгиер, Боёвут) ҳамда йирик қишлоқларни (Фарғона, Пахтаобод, Қаҳрамон, Фарҳод ва ҳоказоларни) саноат нуқтаи назардан юксалтириш талаб этилади. Чунончи, Гулистонда бир вақтлар катта ишлаб чиқариш қудратига эга бўлган тикув фабрикасини тиклаш, тўқимачилик ва машинасозлик корхоналарини жойлаштириш лозим. Саноатни юксалтириш ҳамда вилоят маъмурий марказига хос функцияларни ривожлантириш Гулистонни ҳам республика йирик шаҳарлари қаторига киришига асос бўлиб хизмат қилади;

➤ минтақавий ишлаб чиқаришнинг ҳудудий шакллари-саноат тугунлари, ўсиш қутб ва марказлари, саноат паркларини вужудга келтириш уларнинг иқтисодий салоҳиятини янада кучайтиради; ана шу мақсадда аҳоли манзилгоҳларининг имконият ва шароитлари атрофлича баҳоланиб, улардан устуворроқлари танлаб олиниши лозим. Масалан, Гулистон, Янгиер, Сирдарё, Бахт ҳудуднинг асосий саноат марказлари бўлиши мумкин;

➤ шаҳар ва қишлоқ жойларда тўқимачилик (ип-газлама, пайпоқ, тикув фабрикалари), машинасозлик (қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, электроника), фармацевтика (дори-дармон, шприц ва бошқалар) ва озиқ-овқат (балиқ консерва) каби тармоқлар корхоналарни жойлаштиришга жиддий эътибор бермоқ мақсадга мувофиқ. Бунинг учун кичик тадбиркорликни ривожлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шу билан бирга минтақаларда ҳам бутун ҳудудга таъсир қилувчи, уни қайта қурувчи ва ҳаракатга келтирувчи қудратли тармоқ ва марказларни барпо қилиш керак;

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи (Нью-Йорк шаҳри, 2017-йил 19-сентябрь) (“Халқ сўзи”, 2017-йил 20-сентябрь).
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фармойиши. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2017-йил 15-август.
3. Ш.М.Мирзиёев «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак» Ўзбекистон республикаси президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамиси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2017 йил 16 январь
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 15-сон, 167-модда; 2013 й., 12-сон, 150-модда.
5. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма олти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 2-сентябрдаги ПФ-5177-сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – №36 (796). – 945-модда

7. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
8. Вахабов А.В., Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар» Т.: “Бактрия-пресс” 2015 йил
9. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х., Акбаров М. Т.: МЧЖ “RAM-S”, 2007й
10. Назарова Г.Г., Халилов Х., Эштаев А., Хакимов Н.З., Салихова Н., Бобожонов Б.Р. “Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ”. – Т., 2006. - 216 б.
11. Шодиев Р.Х. “Жаҳон иқтисодиёти”. – Т.: “Ғофур Ғулом”, 2005.- 215 б.
12. Назарова Г.Г., Халилов Х., Эштаев А., Ахмедов И.А., Хакимов Н.З., Мухаммедрахимов У.Х. “Жаҳон иқтисодиёти” – Т., 2005. - 220 б.
13. Колесов В.П., Кулаков М.В. Международная экономика: Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2008. - 474 с.
14. Мировая экономика и международный бизнес: учебник коллектив авторов; под общ. Ред. д-ра экон. Наук, проф. В.В.Полякова и д-ра экон. Наук, проф. р.к.Щенина.- 5-е изд., стер.- М.:КНОРУС, 2008.-688 с.
15. Ломакин В.К. Мировая экономика: учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям и направлениям В.К. Ломакин. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – 671 с.
16. Мировая экономика: прогноз до 2020 года под ред. акад. А.А. Дынкина ИМЭМО РАН. – М.: Магистр, 2007. – 429 с.
17. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения: учебник под ред. Л.Н. Красавиной. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 576 с.
18. Внешнеэкономическая деятельность: учеб. для студ. сред. проф. учеб. заведений Б. М. Смитиенко, В. К. Поспелов, С. В. Карпова и др. под ред. Б. М. Смитиенко, В. К. Поспелова. - 4-е изд., перераб. и доп. - М.:«Академия», 2007. — 304 с.

19. Устойчивое экономическое развитие в условиях глобализации и экономики знаний: концептуальные основы теории и практики управления под ред. В.В. Попкова. М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2007. - 295 с.
20. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз таракқиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 б.
21. Жахон иқтисодиёти. Назарова Г.Г., Халилов Х.Х., Ханова И.М., Хакимов Н.З., Бобожонов Б.Р. Т.: МЧЖ “RAM-S”, 2007 й
22. Назарова Г.Г., Адилова З.Д., Мухамеджанова Г.А Экономика зарубежных стран. Т.:ТГЭУ, 2007 й.
23. Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти. Назарова Г.Г., Хакимов Н.З., Бобожонов Б.Р., Эргашев Д.Р., Султанова Н.А. Т.:ТГЭУ, 2007 й
24. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий муносабатлари. Хайдаров Н.Х. Т.:ТГЭУ, 2007 й
25. Муаллифлар гуруҳи. Ўзбекистонда бизнес кейслар: Ўзбекистон Республикасидаги бизнес таълимотида “Кейс - Стади” услубининг қўлланилиши. – Т.: Академия, 2006. – 645 б.
26. Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. – Т.: ТДИУ, 2005.-273 б.
27. Спиридонов И.А. Мировая экономика: Учеб. Пособие. – М.: РИОР, 2007. – 128 с.
28. Ломакин В.К. Мировая экономика. Практикум: учебное пособие для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям и направлениям В.К. Ломакин. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. - 223 с.

29. Мировая экономика и международный бизнес : учебник кол. авторов; под общ. ред. д-ра экон. наук, проф. В.В. Полякова и д-ра экон. наук, проф. Р.К.Щенина. - 5-е изд., стер. - М. : КНОРУС, 2008. - 688 с.
30. Шевчук В.А., Шевчук Д.А. Международные экономические отношения: Учебное пособие.- М.: Издательство РИОР, 2006.-192 с.
31. Фигурнова, Н. П. Международная экономика: учебное пособие Н.П. Фигурнова. - Москва: Издательство «Омега-Л», 2007. - 304 с.
32. Глобализация мирового хозяйства: Учебное пособие под ред. д-ра экон. наук, проф. М.Н. Осьмовой, канд. экон. наук, доц. А.В. Бойченко. - М.: ИНФРА-М, 2006. - VIII, 376 с.
33. Саввина О. В.Международные финансовые организации: Учебное пособие. - М.: Российская Академия предпринимательства, 2006. - 146 с.
34. Смирнов Е.Н. Введение в курс мировой экономики (экономическая география зарубежных стран): учебное пособие – М.: Кнорус, 2008.-416с.
35. Международный финансовый рынок: учебное пособие под ред. д-ра экон. Наук, проф. В.А. Слепова, д-ра экон. Наук, проф. Е.А. Звоновой. - М.: Магистр, 2007. – 543 с.
36. Международные стратегии экономического развития: Учебное пособие под ред. Ю.В.Макогона.- К.: Знания, 2007.-461 с.
37. www.lex.uz.
38. <http://nimfogo.uz/uz/node>
39. <https://www.cbr.ru>; Monetary Policy.
40. <http://www.ecb.eu>
41. <http://www.newyorkfed.org/markets>
42. <http://kun.uz>
43. <http://uza.uz>
44. <http://www.toshkent.uz>
45. <http://www.cbu.uz>
46. <http://www.imf.org>

47. <http://www.tslresearch.com>

48. <http://www.ebrd.com>